

Ваҳму усраттин омон топтуқ,
Янги жон, тоза жаҳон топтуқ.

Заҳириддин
Муҳаммад
БОБУР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯНГИ БАРПО ЭТИЛГАН БОБУР ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар, муҳтарам Андижон аҳли!

Аввало, сиз, азизлар билан юртимизда кўклам нафаси кезиб юрган мана шундай файзли кунларда дийдор кўришиб турганимдан ғоят мамнунман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълумки, инсон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш – Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир.

Бугун жонажон Ватанимизнинг барча вилоятлари, қишлоқ ва овулларида ана шу улуг ва эзгу мақсад қандай амалий натижалар бераётганини кўриб, албатта, барчамиз чексиз қувонамиз. Бунинг амалий тасдиғини гўзал ва бетакрор Андижон замининда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Вилоятда саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, боғу роғлар барпо этиш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиб бўйича кўплаб таҳсинга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Қани энди, имкони бўлса-ю, бу сўлим диёрга тез-тез келиб, сиз, азизлар билан чин дилдан мириқиб



сухбатлашсам. Чунки сир эмас, мен доимо сизлар каби мард ва танти, қалби – Аллоҳда, кўли – ишда бўлган инсонлар билан учрашиб, мулоқот қилиб, ўзим учун бекиёс маънавий куч оламан, руҳланаман.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Андижон замининда Янги Ўзбекистон ғояси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларга ундамоқда.

Бу – ислохотларимизнинг биз кутган, бутун халқимиз кутган энг катта, энг муҳим натижаси, десак, тўғри бўлади. Қадрли дўстлар!

Фахр билан айта оламизки, Андижон бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё минтақасининг замонавий, йирик шаҳарларидан бири, водий гавҳаридир. Бу кўҳна заминдан кўплаб олим ва мутафаккирлар, машҳур шоир ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари, мада-

ният ва санъат намояندалари етишиб чиққан.

Андижон – буюк мутафаккир, бунёдкор шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз таваллуд топган пайтда бу ерда жуда катта таълим ва маданият маркази бўлиб қолган.

Бугунги кунда Андижонда барча соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда. Айни пайтда бу ерда жуда катта салоҳият мавжуд. Ана шундай улкан имкониятларимизни ишга солиш, ҳудудни

янада тараққий эттириш мақсадида сизлар билан бундан икки йил аввал Янги Андижон шаҳри ва “Янги Ўзбекистон” боғини барпо этиш ҳақида келишиб олган эдик.

Ўтган давр мобайнида ушбу улкан лойиҳани амалга ошириш борасида катта ишлар бажарилганига барчангиз гувоҳсиз. Нафақат гувоҳсиз, айни пайтда уларда бевосита иштирок этмоқдасиз. Қисқа вақт ичида ҳавас қилса арзийдиган мана шу гўзал шаҳарча билан бирга “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам қад кўтарди.

Сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни ана шу буюк меҳнат галабаси билан самимий табриклайман. Бундай файзли, муаззам маскан барчамизга, аввало, меҳнаткаш ва олижаноб Андижон аҳлига муқаррар бўлсин, буюрсин!

Халқимизнинг бунёдкорлик анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, фидойилик ва ташаббускорлик фазилатларини амалий ишлари билан намойён этаётган Андижон аҳлига, бу ишларга ҳисса қўшган барча инсонларга чин юракдан ташаккур билдираман.

Шу ўринда кўпдан буён ўйлаб юрган бир ташаббусни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман.

(Давоми 2-саҳифада).

МУНОСАБАТ

Юртимизда сўнгги йилларда миллий тарих ва маънавиятга муносабат янги босқичга кўтарилди. Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг номини абадийлаштириш, уларнинг маънавий меросини халқимиз онгига, ёшлар қалбига чуқур синдириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бугун ҳар бир юртдошимиз қалбига фахр ва шукроналик туйғусини уйғотмоқда.

Бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар натижасида буюк шахсиятларнинг номлари билан аталган янги масканлар, маданият марказлари, илм-фан муассасалари барпо этилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАГИ ЁРҚИН САҲИФА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ана шундай улуг аждодларимиздан бири, жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган беназир, улуг зотдир.

Унинг илмий-адабий мероси нафақат сиёсий ва тарихий, балки маънавий-маърифий қадрият сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Ёшлик пайтларидан юртда тинчлик ва адолат ўрнатиш учун олиб борган курашлари, бу йўлда кўрсатган мардлик ва жасорати фидойилик ва ватанпарварлик мактабидир.

Юртбошимизнинг Андижонга ташрифи чоғида Бобур Мирзо сиймосига самимий эҳтироми нафақат биз – бобуршунослар, балки бутун халқимизни руҳлантирди. Бу ташриф доирасида Президентимизнинг Бобур номли халқаро жамоат фонди фаолиятига билдирган илиқ муносабатлари эса бизга улкан масъулият юқлайди. Бу эътибор фонд олдидаги вазифаларни янада кенг қамровли ва самарали амалга оширишга руҳий, маънавий куч бағишлайди.



Мазкур фонд фаолияти йўлга қўйилганига, мана, ўттиз йилдан ошибди. Бу йиллар мобайнида биз Бобур ва бобурийлар қолдирган илмий, адабий, маънавий меросни излаб топиш, уни халқимизга етказиш, ҳеч бўлмаганда уларнинг нусхаларини ватанга қайтариш бўйича узлуксиз изланишлар олиб бориб ва тадқиқотларимиз изчил давом этмоқда.

Бу ишларнинг ўзига яраша машаққати ҳам бор, албатта. Муҳими, чин кўнгилдан қилинган меҳнат самараси ўлароқ қувонарли натижаларга эришиш.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤



Янгиер шаҳрида Норбўта муаллимни яхши танишади, касбига бўлган фидойилиги, ҳалоллиги ортидан эл олдида доим юзи ёруғ. Уқитувчилик ортидан тўрт фарзандни боқиб, муносиб тарбиялаб, элга қўшди.

Қаҳрамонимиз ёш математик олим, физика-математика фанлари доктори, доцент Отабек Ҳақимов муаллим хонадонидagi уч оғанининг кенжаси. У ҳам акалари сингари мактабга чиқмасданок ўқиш-ёзишни ўрганиб олганди. Тенгдошларидан анча илғор Отабекка ўзидан бир синф баландда ўқийтган орасининг дарсликлари кўл келади. Адабиётга ошуфта математикни газетхонларга унинг ўз ҳикоялари орқали таништирамиз...

ҲАЁТИМНИНГ УЧ ЙЎЛИ

Болалигимда футболчи бўлишни орзу қилганман, аммо отам рухсат бермаган. Футбол – биринчи муҳаббатим! Кейин муккамдан кетиб эртадан кечгача, баъзан тонг оқаргунча бадий китобдан бош кўтармай ўқиш, асар қаҳрамонлари билан бирга яшаш завқи кутубхоначилиққа ҳавас уйғотган. Кутубхоначи бўлолмадим, бироқ китоблар ҳар доим мен билан бирга. Демак, адабиёт – иккинчи муҳаббатим! Математика эса қисматим... Ундан қанча ўзимни олиб қочмай, барибир тақдир мени у томонга олиб бораверди. Мактаб, лицей, университет, кейин докторантура ва қадрдон масканим Математика институти...

Футбол майдонига танам яйраб, томиримда қон юурса, кутубхонада руҳим озуқа олиб, қалбим таскин топарди, рақамлар олами эса мени келажагим сари етаклайверарди.

Шу пайтгача бу учаласидан ҳеч бирини бошқасидан кам кўрмадим. Ҳеч биридан айро яшамадим.

(Давоми 4-саҳифада.) ➤

МУЛОҲАЗА

“Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, дейилмиш отасўзимиздан келиб чиқадиган мазмун – илм ўрганишдан кўра тарбия олиш қийин эканлигидир. Яхши тарбия олган инсондан улуг олим етишиб чиқади.



ОЛИМ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Ғалати хабарга кўзим тушди: бир профессор атиги бир йил давомида 56 (!) нафар фалсафа бўйича фан доктори тайёрлабди. Бир йилда 52 ҳафта борлигини инобатга олсак, профессорнинг куч-гайратига қойил қолмай илож йўқ. Ҳар бир номзодлик иши камида 100–120 варақдан иборат бўлади десак, профессор ҳар ҳафтада бир нафардан ортиқ шогирди тайёрлаган

номзодлик ишини ўқиган, таҳлил қилган, шу юзадан фикр-мулоҳазаларини ёзган, кейин ҳимоясида қатнашиб, сўзга ҳам чиққан! Шу ишлардан бўш вақтлари қайсидир олийгоҳда талабаларга сабоқ берган, қандайдир илмий кенгашлар ва бошқа тадбирларда қатнашган ҳам.


Фидойилик бундан ортиқ бўлмас!

(Давоми 5-саҳифада.) ➤

БОҚИЙ МЕРОС

ҲИДОЯТ ЙЎЛБОШЧИСИ

Буюк ватандошимиз, исломий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган беназир аллома, калом илмининг султони Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишни рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг 14 март куни Президентимиз “Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади.



Ушбу қарор мотуридийлик таълимотига хос бағрикенглик ва мўътадиллик тамойилларини халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Калом илмига оид улкан илмий мерос қолдирган Абу Мансур Мотуридий ўз давридаёқ замондошлари томонидан “Имом ал-худа” (“Тўғри йўлга йўлловчи имом”), “Қудвату аҳл ас-сунна” (“Аҳли суннанинг андозаси”), “Қоле абобил ал-фитна вал-бидъа” (“Фитна ва бидъат тўдаларини ағдарувчи”), “Имом ал-мутақаллимин” (“Мутақаллимларнинг пешвоси”), “Рофе аълом аш-шариъа” (“Шариат байроқдори”), “Мусаҳҳиҳ ақоид ал-муслимин” (“Мусулмонларнинг ақидаларини тузатувчи”) каби шарафли номларга сазовор бўлган.

Мотуридийнинг илмда юксак мартабаларга кўтарилиши, олимлар орасида қадр-қиммат топишида у шаклланган илмий муҳитнинг ўрни катта. Хусусан, IX-X асрларда Мова-

роуннаҳр ва мусулмон дунёси мамлакатларида яшаган Абу Наср Аҳмад Иёзий ҳамда Абу Бакр Жузжоний сингари йирик уламолар Имом Мотуридийнинг етук олим бўлиб шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, олимнинг фаолиятига бекиёс хизмати сингган устозлар мавзуси, бизнингча, чуқур тадқиқ қилиниши лозим. Негаки, бу борада ўрта аср манбаларининг камлиги маълумотлар тақчиллигини юзага келтиради. Айрим манбаларда Нусайр Балхий билан Муҳаммад Розий олимнинг устозлари сифатида зикр этилган қайдлар мавжуд. Лекин Абу Муин Насафий уларни самарқандлик олимлар қаторига қўшмайди. Мотуридийшунос олим Ульрих Рудольф таъкидича, Имом Мотуридий билан боғлиқ бирор асарда уларнинг номи учрамайди. Бу эса мазкур шахсиятлар биографиясига оид маълумотларни янада аниқлаштиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

(Давоми 6-саҳифада.) ➤



(Давоми. Бошланиши
1-саҳифада).

Ўзининг бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аждодимиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига — Бобур шаҳри деб ном берсак, нима дейсизлар?

Қўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат. Ишончим комил, бу ташаббус ҳар томонлама халқимизнинг кўнглидаги иш бўлади.

Нега деганда, ҳазрати Бобур — жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шундай беназир, улуғ зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, боғу роғлар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта арзийди.

Нега деганда, Бобур Мирзо — Темурийлар Ренессансининг муносиб давомчиси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, истеъдод ҳомийси бўлган буюк шахсдир.

Унинг ёшлик пайтларидан юртда тинчлик ва адолат ўрнатиш учун олиб борган курашлари, бу йўлда кўрсатган мардлик ва жасорати фидойилик ва ватанпарварлик мактабидир.

Ҳеч шубҳасиз, қомусий билим ва тафаккур эгаси бўлган бу мумтоз аждодимизнинг биргина “Бобурнома” асари учун ҳам унинг шарафига мана шундай гўзал шаҳарчини бунёд этсак, арзийди.

Чунки такрор айтишга тўғри келади, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби оламга машҳур аждодларимиз борлигини, улар Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯНГИ БАРПО ЭТИЛГАН БОБУР ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

фарзанди эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўзлимизни англаб, шонли тарихимизни ёш авлодимизга, болаларимизга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, улуғ боболаримизга муносиб бўлиб яшасак, Янги Ўзбекистонни ҳам, Учинчи Ренессансни ҳам албатта қураимиз!

Азиз дўстлар! Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз бор-йўғи 47 йил умр кечирди. Шу қисқа вақт давомида у инсон ақли бовар этмайдиган қандай буюк ишларни амалга оширгани, қандай меъморий обидалар, боғу роғлар барпо этиб, ўзидан ўчмас ном қолдириб кетгани ҳам барчамиз учун юксак ўрнак намунасиридир.

Шу маънода, ҳазрати Бобурнинг шону шуҳрати ва кадр-қимматини жойига қўйиш, унинг бебаҳо меросини халқимизга янада кенгроқ таништириш, бутун дунёга тарғиб этиш ҳурматли олим ва адибларимизнинг, ҳаммамизнинг муҳим бурчимиз ҳисобланади.

Вилоят зиёлилари, билимдон ёшларимиз, бутун Андижон аҳли бу борада янада фаоллик

кўрсатадилар, деб ишонаман.

Нега деганда, андижонликлар ўзининг бу улуғ фарзанди хотирасини ўша оғир, мустабид тузум даврларида ҳам қалбида, хотирасида эъзозлаб-ардоқлаб келганини яхши биламиз. Давлатимизнинг яқин ёрдами билан ҳурматли оқсоқлимиз Зокиржон ака Машрабов каби ўнлаб маърифатпарвар инсонлар, Бобур халқаро фонди ва илмий экспедицияси қандай катта ишларни амалга ошириб келаётганини юксак қадрлаймиз.

Бу борада бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур: Бобур Мирзонинг бебаҳо мероси — бу бир уммон. Уммоннинг эса ҳеч қачон тубига етиб бўлмайди.

Шунинг учун мамлакатимизда, вилоятда бобуршунослик соҳасида олиб борилаётган ишлар тўхтаб қолмаслиги, аксинча, янги авлод, азму шижоатли ёшларимиз томонидан давом эттирилиши, янада юксак босқичга кўтарилиши лозим. Бу ишда мен сизларга ҳар томонлама ёрдам беришга доимо тайёрман.

Азиз дўстлар! Мамлакатимизда амалга оши-

раётган барча ўзгариш ва ислохотларимиз Бобур Мирзо каби улуғ аждодларимизнинг орзу ва мақсадлари, ҳаётий идеаллари, улуғвор ишларига ҳамоҳанг, десак, янгилишмаган бўлаемиз.

Бугун сизлар билан биргаликда Бобур бобомиз тўғилиб ўсган табаррук заминда ул зотнинг дилида қолган армонларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир тарихий воқеанинг иштирокчиси бўлмоқдамиз, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Бобур шаҳрини барчамиз орзу қилаётган энг гўзал, энг замонавий шаҳарга айлантириш бугундан бошлаб реал вазифа қилиб кун тартибига қўйилади. Бу шаҳардан ҳақиқий бобурийлар етишиб чиқиши учун бобомиз номи билан аталадиган ихтисослашган боғча ва мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT паркдан иборат йирик таълим кластери барпо этилади. Олийоҳ тарихида энг юқори талабларга жавоб берадиган спорт комплекси ҳам қурилади.

Бир сўз билан айтганда, барчамиз бирлашиб, Бобур шаҳрини миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этадиган маънавий мас-

канга, таълим ва илм-фан шаҳрига, ёшларимиз учун илҳом ва ибрат, парвоз майдонига, нафақат водий, балки мамлакатимизнинг туризм ва маданият марказига, “яшил инфратузилма” асосида қурилган замонавий “смарт-сити”, яъни ақлли шаҳарга айлантирамиз.

Бобур шаҳрининг майдони 4 минг гектар бўлади ва бу ерда 500 минг аҳоли муносиб яшаши ва ишлаши учун барча шароитлар яратилади.

Бу шаҳар, худди буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номи қўйилган азим шаҳар каби, шонли тарихимиз ва келажагимиз ўртасида маънавий кўприк бўлади, янги тарихимиздан муносиб ўрин олади.

Мана шу боғ ҳудудининг энг баланд нуқтасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг янги, мухташам ҳайкалини ҳам ўрнатамиз.

Бобур шаҳри миллий маданият ва санъатимиз, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ҳамкорлиқни акс эттирадиган ўзига хос кўзгу бўлиши зарур.

Ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун катта дастур қабул қиламиз, 250 миллион долларлик

дастлабки капиталга эга бўлган алоҳида жамғарма ташкил қилинади. Ҳар йили бу жамғармага кўшимча маблағ ажратилади.

Бугунги тадбирда Бош вазир ўринбосарлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам иштирок этапти. Уларга алоҳида топшириқ: ушбу мегалойиха бир ойдан кечикмай бошланиши шарт.

Ҳурматли Андижон аҳли!

Мана шу замонавий амфитеатр саҳнасида, мана шу гўзал боғда халқимизнинг нодир санъати доимо намоиш этилиб, улуғ шоирларимиз шеърлари янграб турса, айна муддао бўлади.

Бу оқшом ушбу янги маданият масканида атоқли санъаткорлар ва истеъдодли ёш ижрочилар иштирокида бўлиб ўтадиган концерт дастури шу йўлда эзгу анъанани бошлаб беради, десак, тўғри бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча маданият ва санъат соҳаси ходимларини бугунги касб байрами билан бутун халқимиз номидан, ўз номидан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчамиз яхши биламизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёнинг қайси ерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинчи билан яшади. Бугун буюк аждодимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртига руҳан қайтиб келди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисиз.

Мана шундай улуғ, тарихий кун барчамизга муборак бўлсин!

Сизларга, сизларнинг тимсолинга Андижон аҳлига тинчлик-омонлик, мустаҳкам соғлиқ, янги ютуқ ва омадлар тилайман.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАГИ ЁРҚИН САҲИФА

Бошланиши 1-саҳифада.

Жумладан, илк бор Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси яратилди. 50 дан ортиқ китоб, беш жилддан иборат библиографик мақолалар тўплами чоп этилди. Бобур танланган асарлари олти жилдлик “Бобур Куллийи”га мужассамлаштирилди.

Шунингдек, “Бобур ва жаҳон маданияти”, “Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи” музейлари ташкил этилди. “Халқаро Бобуршунослик илмий электрон платформаси” ишга туширилди. Бу платформа нафақат юртимиз, балки хорижий олимлар учун ҳам маънавий мулоқот ва ҳамкорлик майдонига айланди. Бугунги кунда бобурийлар меросини кенг тарғиб этиш, тадқиқотлар ўтказиш ва унинг илмий асосини мустаҳкамлаш йўлида тизимли ишлар амалга оширилиб, ҳусусан, ўттизга яқин хорижий бўлимлар очилди.

Фонд томонидан ташкил этилган халқаро илмий экспедициялар натижасида, ўз юртимиз ҳудудидан ташқарида дафн этилган буюк аждодларимиз қабр-мақбараларини излаб топиш ва обод қилиш, бу орқали зиёрат туризмининг ривожлантириш юзасидан ҳам ишлар кенг йўлга қўйилган.

Эътироф этиш жоиз, Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар — айниқса, аҳоли даромадини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, тадбиркор-

лик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги қадамлар кундан-кунга янги босқичга кўтарилаётир. Ўзгаришлар нафасини нафақат пойтахтда, балки ҳудудларда ҳам сезмоқдамиз. Жумладан, Андижон шаҳридаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари доирасида Янги Андижон шаҳарчасининг барпо этилаётгани фикримизнинг амалий тасдиғидир.

Андижонга ташриф доирасида вилоят вакиллари билан ўтказилган учрашувда Президентимиз томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри деб ном берилиши ҳақидаги таклифи бобуршунос инсон сифатида мени беҳад қувонтирди. Андижонлик нуронийларимиз ҳамisha шаҳардаги бирон бир ҳудудга буюк аждодимиз номи берилса, деган орзуда яшашган. Халқ орзусининг рўёби бўлган ушбу тарихий воқеа ўзини Бобур авлодидан деган ҳар бир ватандошимизни фахрлантирди, янги марралар сари илҳомлантирди.

Бугун жадал суръатларда барпо этилаётган Бобур шаҳри тарихий меросимизга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ушбу гўша “миллий маданият ва санъатимиз, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ҳамкорлиқни акс эттирадиган ўзига хос кўзгу бўлиши зарур”.

Зокиржон МАШРАБОВ,

Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МОНОЛОГИ

Менким, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умаршайх Мирзонинг ўғли, етти иқлим ҳукмдори улуғ Темурибекнинг зурриёди, Тангри таолонинг инояти билан Андижон шаҳрида таваллуд топдим.

Бу чархи фалак бошимга қандай кунларни солмасин, қайси диёр ва ўлкаларда умргузаронлик қилиш насиб этмасин,

Андижон латофати, Андижон муҳаббати бир соғина ҳаёлимни тарқ этмади.

Андижон!..

Андижон эли туркийдур. Шаҳр ва бозорида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур.

Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур.

Шаҳар аҳли савдогар ва ҳунарманд халқдур.

Элининг орасида санъаткорлари кўп.

Бу ердаги ишлар Тангри таолонинг кўмаги билан доимо саранжом бўлур.

Ота мулким Андижонни, бутун Мовароуннаҳр ўлкасини тинч-осойишта, обод ва маъмур кўрмоқ, бу ерда одил сиёсат юргизмоқ бутун ҳаётимнинг аъмоли эрди.

Тақдир экан, бу орзу менга армон бўлиб қолди.

Лекин тасалли шуки, сиз авлодларим, аҳли Ўзбекистон, баланд ҳимматлиги, азму шижоатлиги раҳнамо теграсида якқалам бўлиб, бизнинг орзуларимизни рўёбга чиқармоқдасиз.

Бунинг учун Яратган Парвардигорга ҳар қанча шуқрона айтмоқ фарздуру.

Бундоқ дорилмомон кунларнинг қадрига етмоқ, бундай зафарларни мустаҳкам этмоқ сизларнинг, шу жаннат юртда яшаётган ҳар бир соф ниятли инсоннинг муқаддас бурчидур.

Аҳбоб, йигилмоқни фароғат тутунгиз, Жаъмиятингиз борини давлат тутунгиз, Чун гардиши чарх бодурур, Тенгри учун, Бир-бирини неча кун ганимат тутунгиз.

Сиз авлодларга яна бир ўғитим:

Бори элга яхшилиғ қилғилки,

мундин яхши йўқ —

Ким, дегайлар даҳр аро қолди

фалондин яхшилиғ!

*Ўзбекистон давлат драма театри актёри
Илҳом БЕРДИЕВ ижро этган.*

ШАҲАРГА БУЮК АЖДОД НОМИ БЕРИЛИШИ МИЛЛИОНЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ДИЛИДАГИ АРМОНЛАР УШАЛИШИДИР

Панжоб университети қошидаги Бобур мероси маркази директори Рухсана Ифтихор (Покистон) “Дунё” АА учун интервьюсида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Янги Андижон шаҳрига Бобур шаҳри деб ном бериш ташаббуси ҳақидаги фикрларини билдирди:

— Ўзбекистон Президентининг Андижондаги нутқи ва билдирган таклифи Покистонда катта акс садога сабаб бўлди. Бу шунчаки шаҳарсозлик ташаббуси эмас, балки Бобурнинг буюк шахси билан тарихий ва маданий алоқадорлиқни ҳис қилаётган миллионлаб инсонлар дилидаги армонлардир.

Мен тарихчи сифатида бу воқеадан жуда хаяжонландим. Покистон учун Бобур нафақат буюк сулола асосчиси, балки маданий тисмол, қаламқаш ва фалсафий фикр эгасидир. Унинг номи адабиётга бўлган нозик дид, табиатга муҳаббат, шеърят ва меъморчилик би-



лан боғлиқ. Бинобарин, Бобур номи билан аталган шаҳарнинг барпо этилиши шунчаки хотира тадбири эмас, балки Ўзбекистон ва Жанубий Осиё ўртасидаги умумий меросга ҳурмат асосидаги жонли мулоқот ифодасидир.

Ўзбекистон Президентининг Андижон шаҳридаги амфитеатрни халқ ама-

лий санъати марказига айлантириш тўғрисидаги қарори ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу халқларимиз ўртасидаги маданий яқинлашувнинг муҳим платформасига айланиши мумкинлигига ишонаман. Покистонлик рассомлар ушбу ноёб майдонда ўтказиладиган фестиваллар ва ижодий лойиҳаларда иштирок этишдан мамнун бўладилар деб ўйлайман.

Ўзбекистон ўз нигоҳини фақат ўтмишга эмас, балки келажакка ҳам йўналтирганини яна бир бор исботлади. Бобур хотирасининг тўғилиб ўсган Андижонда улуғланиши тарихий адолат, шу билан бирга, мулоқотга даъват сифатида баҳолаш мумкин. Биз Покистонда ушбу ташаббусни чин дилдан юксак баҳолаймиз ҳамда у мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва илмий алмашинувларни кенгайтиришга туртки бўлишига ишончимиз комил.

“Дунё” АА.

Лаҳор

Уйғоқ миллатгина юксалади

Ким бедор, ким уйғоқ, курашчан, ҳаракатчан бўлса, у албатта мақсадига етади. Бу ҳаётий ҳақиқатни Андижон ва андижонликлар мисолида аққол кўриш мумкин. Улар доимо мавжуд имконият ва имтиёзлардан оқилна фойдаланиб, замонга мос ҳаракатда, юрт ва жамият манфаатларини кўзлаб янгиликка интилган ҳолда яшашни одат қилган.

Давлатимиз раҳбарининг 15—16 апрель кунлари Андижон вилоятига ташрифи ана шундай фидойи халқимиз, одамларимизга шижоат, руҳ ва илҳом бағишлади. Юртбошимиз вилоятдаги ишлар билан атрофлича танишиб, одамлар билан гаплашар экан: “Бу заминда Янги Ўзбекистон шуқуҳи ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга қириб улгурган” дея вилоят аҳлининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, ислохотларга дахлдорлиги ва фаол иштирокини юксак баҳоладилар.

Ташриф доирасидаги яна бир қувонарли воқеалик — Янги Андижондаги “Янги Ўзбекистон” боғида ташкил этилган халқ сазилида илгари сурилган ташаббус бўлди. Улуғ бобокалонимиз, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини абадийлаштириш мақсадида, адирликлар бағрида барпо этилаётган янги шаҳарга “Бобур шаҳри” деб ном бериш таклифи билдирилди. “Ишончим ко-

мил, бу ташаббус ҳар томонлама халқимизнинг кўнглидаги иш бўлади, — деди Президент Бобур шаҳрида ўтказилган тантанали маросимда. — *Нега деганда, ҳазрати Бобур — жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шундай беназир, улуғ зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, боғу роғлар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта, арзийди.*

Бу — Бобур сиймосига бўлган юксак эҳтиром, халқимизнинг тарихий хотираси ва маънавий меросига бўлган садоқат ифодасидир. Шу билан бирга, бу таклиф мустақиллик шарафи, шарофатидир. Чунки қачонлардир ана шу адирликлар орқали Ватанни ташлаб чиқиб кетган Бобур Мирзо, бугун — юртига руҳан қайтди.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилган ислохотлар, янгиланишлар билан яқиндан танишар экан, ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ободонлаштириш ва инфратузилмаси учун мисли кўрилмаган миқдорда маблағ ажратилаётгани ва “Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган”ини таъкидлаб ўтди.

Бундай юксак ишонч ва қўллаб-қувватлов замирида улкан мақсадлар мужассам. Яратилаётган бу имкониятлар эса андижонликлар учун янги иш ўринларини яратиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, янги бозорларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир таклиф, “Андижон бренди”ни яратиш — бу шунчаки маҳсулот ишлаб чиқариш ёки уларни экспортга йўналтириш эмас, балки андижонликларнинг ҳаётга, меҳнатга, илмга, маданиятга, ижтимоий фаолликка ва ижодкорликка бўлган ўзига хос ёндашувини дунёга намоён этиш ғоясидир. Ишонамизки, бу бренд бизнинг ғайратли, шижоатли, дунёқарашли кенг халқимиз, юртдошларимиз билан ўзининг бетакрор қиёфасини яратади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, ютуқларимиз янада кўпаяди, биз забт этолмайдиган марранинг ўзи бўлмайди, Андижон янада обод бўлади! Мирзо Бобур ёзганидек: “Ғафлат уйқусидин уйғон гар тилар бўлсанг муроб, Ким, етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ”.

Дарҳақиқат, бедорлик, яъни уйғоқлик, масъулиятни ҳис этиш, фаол ҳаракат — ҳар қандай ютуқ, тараққиётнинг асосий қалитидир. Биз ана шу ҳикматни ҳаёт тарзига айлантирган халқимиз. Зотан, бедор инсонинга мақсадида етади, уйғоқ миллатгина юксалади.

**Матлуба ЮСУПОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
Андижон вилоят бўлими мутахассиси**

СУҲБАТ

ТАБАРРУК ОЙДИНЛАР ДУОСИ

Маълумки, ҳамма замонларда ҳам миллат тараққийси, давлат барқарорлиги, жамият равнақида зиёли ижодкорларнинг таъсири беқиёс бўлган. Биз бу ҳодисани жадид боболаримиз фаолиятида рўй-рост кўрамиз. Бугун ҳам ана шундай мақом тутган устоз адибларимиз борки, уларнинг фикру зикрлари халқимиз дунёқарашининг сайқалланишига хизмат қилади. Газетхонларимиз эътиборига ҳавола этилаётган мазкур суҳбатда адабиётимизнинг кўзга кўринган вакилларида бири, серқирра адиб, филология фанлари доктори, профессор Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг уйғоқ фикрлари билан ўртоқлашган.

— Аввало, миллат тақдири учун жонни тиккан, ҳатто ўлимга ҳам тик қараган жадидлар, уларнинг бугунги издошлари, замонамиз ойдинлари ҳақидаги ўйларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Жадид боболарнинг ҳаёти-фаолияти, улар яшаган давр ҳатто совет замонида ҳам унча-мунча ўрганилган. Лекин, мана, бугунги кунга келиб чинакам маънода чуқур, кенг, батафсил ва холис ўрганиш имконияти пайдо бўлмоқда. Муҳит вужудга келмоқда. Бу муҳит имкониятларидан нечоғли унумли, самарали фойдаланамиз — ҳамма гап шунда! Ҳали жадидлар даврини тўлалигича, бор мураккаблиги, иссиқ-соғуғи билан, бор шуқуҳи ва фожияси билан кафтимизга кўйгандек инкишоф эта олганимизча йўқ.

Жадидлар даври тарихини мутахассис сифатида ўрганувчи қатлам анчагина заиф деб ўйлайман. Ушбу йўналишга ихтисослашётган ёшлар сафини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Фитрат мероси бирмунча ўрганилгани қувонарли, албатта. Аммо ҳар қандай илмий изланишнинг табиати-қонунияти шундайки, ўрганилгани сайин масала туғмайди, балки кўпаяди, чуқурлашади, мураккаблашади. Шунга мос равишда тадқиқотчиларнинг салоҳияти ҳам тўхтовсиз орта бориши талаб этилади. Мавриди келганда айтай: Бехбудий меросига бағишланган салмоқли асарлар чоп этилди (муаллифлари — Наим Каримов, Сирожиiddин Аҳмад, Ҳалим Саид), Фитрат асарларининг 5 жилдлиги бор (Ҳамидулла Болтабоев тайёрлаган), Абдулла Қодирий публицистикаси “Диёри бакр” китобида жамланди.

“Jadid” газетамизда шунга ўхшаш илмий-маърифий тадқиқотлар баҳонасида кўпдан-кўп салмоқли таҳлиллар, мулоҳаза-лар, хулосалар баён этилиши мумкин. Саволнинг иккинчи қисмига келсак, 100–130 йил нари-берисидаги давр ва шахсларни тўғридан-тўғри қиёслаш унчалик тўғри эмас. Қаранг, “Миллат тақдири учун жонни тиккан”лик улуг гап, лекин “ҳатто ўлимга ҳам тик қараган”лик... бизнинг замонга бундай гаплар ярашмайди. Бошқа ўхшаш жиҳатлар ҳақида эса истаганча сўз юритиш мумкин.

“Жадид” деганда ўзак маъно — янгиликка ташналик демакдир. Назарий жиҳатдан олинса, ҳар қандай жамиятда, хоҳ юксак тараққий этган, хоҳ ривожланмаган жамиятларда ҳам жадидлик аломати бўлмай иложи йўқ. Чунки тараққиёт узлуксиз ҳаракатда, одамзод тафаккури истайдими-йўқми, янгиликка интилади. Моҳиятан шунинг ўзи жадидлик.

Бир аср муқаддам яшаб ўтган жадидларимизнинг ўзига хослиги асосан бир неча йўналишда намоён бўлган: илмга, билимга, саводга, бохабарликка, фаолликка, фидойиликка ва бирликка ташналик! Ҳозирда ажабланирли жойи шундаки, йиллар, асрлар ўтиб борса ҳамки, муаммоларимиз “оҳори” тўкилмай сақланиб қолмоқда.

— Жадидларни энг қийнаган нарса ёки муаммо нима эди?

— Фикримча, жадидлар кенг аҳоли оммасининг саводсизлигидан қаттиқ қайғурган. Одамларимизнинг дунёда, жамият-

да кечаётган воқеаларга бефарқлигидан фиғони кўкка чиққан. Бундай забунлиқнинг бирламчи сабаби турмуш қийинчиликларига бориб тақалишини асосий ваз сифатида кўп гапирармиз. Бунинг оқибатида одамларнинг фикр даражаси рўзғор ташвишларидан юқори кўтарилмаган, деймиз. Жадидлар эса аини ўшандай аянчли моддий аҳволдан тушқунликка тушиш эмас, аксинча, кенг омма бошини қовуштиргувчи куч-қувват оллоғи даркорлигини ўқтирмоққа уринган. Катта мақсадлар йўлида бирлашиш, бир ёқадан бош чиқариш ва шу орқали ҳамжиҳатликка эришмай туриб, халқ халқ бўлмаслигини айтиш йўллариини излаган.

Дид-савия тушунчаси бор. Оддийгина, соддагина, жўнгина, мухтасаргина сўз. Лекин унинг замиридаги маъно-мазмун миқёсини тугал айтишни истасак, мавзу кўлами миллий менталитетга бориб тақалади. Кундалик турмушимизнинг ҳар со-нияси, ҳар одимида, ҳар сўзимиз, мақсаду ниятларимиз, амалимизда намоён бўлади бу тушунча. Қаранг, бадийи, сиёсий, ижтимоий, илмий, диний, тарихий, маърифий, ахлоқий ва ҳоказо-ҳоказо дид-савия таҳлили орқали якка бир шахсга, оилга, миллатга... жамиятга баҳо бериш мумкин. Замонга, инсониятга таъриф бериш мумкин. Айтмоқчиманки, жадид боболаримиз саъй-ҳаракатлари замирида, умумлашти-риб айтганда, миллий дид-савияни юксалти-риш мақсади ётган.

Абдулла Қодирий, “Истатистикаси бор бир миллат ойнаси бор бир қавм демак-ди. Ойнангиз қўлингизда бўлса шубҳа йўқки, дийдори шарофингиз сайҳонидаги барча қинғир-қийшўқликларни кўрасиз... Истатистика деган нарса халқимизнинг тушига ҳам кирмаган”, деб ёзганда ҳали ўттизга чиқмаган эди.

Улуғ адибимиз 100 йил муқаддам ўртага қўйган саволни бугун такрорлайлик: ста-тистика ҳозирги одамларимизнинг тушига қиряптими? Халқимиз ҳаётининг ҳар жаб-ҳаси жамоатчилик томонидан қизгин му-ҳокамаларга мавзу бўляптими? Улардан тегишли хулосалар чиқарилмоқдами?

Жадидлар даврини қадрлаш, уларни ўзимизга ибрат ўрнида қабул қилиш ўша машъум давр сиймолари фаолияти, сўз-ларини қадрлашдан бошланмоғи керак-да!

Хулоса қилиб айтганда, “жадид” деган мақомга муносиблиқнинг биринчи белгиси билимсеварлик, илмпарварлик, ростгўй-лик, дид юксаклиги, талабчанлик, фидойи-лик ва садоқатлилик. Дабдурустан толган сўзларим шулар. Топмаганларим қанча? Айтолмаганларим қанча? Мана шу талаб-лар ҳар қандай замон ва маконда даврнинг илгор кишиси, биринчи навбатда, зиёлиси учун ардоқли фазилат ҳисобланиб қолаве-ради.



— Жадидлар даврини ўрганишга иш-тиёқ билдирган эш тадқиқотчилар кўп-роқ нимага эътибор беришларини истаган бўлардингиз?

— Мавзу-муаммо деганлари тоғ-тоғ бўлиб уюлиб, ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Жадидлик ҳаракати қанон, қай тариқа бошланган? Унинг дастлабки белгилари нималарда кўринган? Ва қай тариқа ривож топган, оммалашган, такомиллашган? Яъни, дунёга келиши (ибтидо) — эволюция (ривож) — ниҳояга етиши (интиҳо) қадам-бақадам, кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил — то сўнгги “дақиқа”га қадар бўлган тарихий йўл хронологик тартибда ва атрофлича ўр-ганилмоғи ниҳоятда муҳим деб ўйлайман. Бироқ ишни айтилгандай кўлам ва миқёс-да ташкил этиш осон кўчмайди: бундай ишлар қаерда марказлашадигу? Қай тариқа

тартибга солинади? Вазифалар тақсимла-нади? Умумлаштириш, хулосалаш, якун-лаш нима бўлади?

Яна. Жадидлар ҳаракатининг ибратли жиҳатлари кўп, шу билан бир вақтда ач-чиқ сабоқлари ҳам йўқ эмас. Яъни? Эҳ-тимол, энг оғир саволлардан бири — нима сабабдан жадидлар ҳаракатидек ноёб ижтимоий-сиёсий, маърифий-адабий, ил-мий-ахлоқий юриш жисман мағлубиятга учради? Тарихий вазият етарли даража-да ҳисобга олинмади? Маккор ва ёвуз душманга қарши уюшқоқлик етишмадими? Аниқ ва пухта кураш стратегияси йўқмиди? Салоҳиятли йўлбошчи топилмади?..

Илмий истилоҳ ила айтганда, тадқиқот-ларимиз ҳам горизонтал, ҳам вертикал йў-налишда ривожланмоғи, такомиллашмоғи дуруст.

— Ўзбекистон давлат драма театрида сизнинг “Ёлғиз” номли қиссангиз асо-сида “Жинлар базми” спектакли саҳна-лаштирилди. Абдулла Қодирий ҳаётига бағишланган ушбу қиссанинг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

— Абдулла Қодирийнинг публицистик мақолалари жамланган “Диёри бакр” кито-бини такрор-такрор ўқиш асосида “Ёлғиз” қиссанин ёзиш нияти туғилган. Маълум-ки, 1926 йилнинг февраль ойда “Муш-тум” журналида адибимизнинг “Йигинди гаплар” мақоласи чиққан ва 8 март куни уни қамоққа олишган. Ҳамма жим, ҳамма ўзини четга олган, бутун айб-маломат Қо-дирий бошига ёғдирилган. У — ёлғиз! Ма-қолада нимани ёзган денг? Бир сўз билан айтганда, ёлгонни ёлгон деган, вассалом! Ростнинг рост, ёлгоннинг ёлгонлигини айта олиш ҳар қайси замон журналисти, публи-цистининг касбий бурчи, шаъни-миссияси ҳисобланган ва ҳисобланади.

“Жинлар базми” спектаклини аjoyиб режиссёр Олимжон Салимов саҳналаш-тирди. Саҳна асари жуда чиройли, таъсир-ли чикди. Томошабинларга манзур бўлди. Шу тариқа жадидлар ҳаётига доир бир та-рихий воқеа замондошларимиз орасида оммалашди.

— Устоз, бир суҳбатингизда жамиятга маънавий ҳокимлар керак, лекин улар норасмий бўлмоғи зарур, дегансиз. Расмий ва сиз назарда тутган маъна-вий ҳокимларга доир қарашларингизни кенгроқ тушунтириб берсангиз.

— Назаримда, мустақиллик йилларида вужудга келган, шаклланган ва долзарб-лигини заррача йўқотмаган масалалардан бири — ҳокимлик. Хўш, ҳоким ким? Қандай шахс ҳокимлик мартабасига лойиқ, муно-сиб қўрилади?

Расман олганда, ҳоким ўз худудининг



моний ва ҳоказо босимни айтмайсизми?! Босимнинг бош сабаби — барча масъу-лият ҳокимнинг зиммасида эканлигида. Яна бири — ҳоким сифатидаги бошқарув кўникмаси, малакаси илмий асосда ишлаб чиқилмаган. Тартиблаштирилмаган.

Швейцария сафарида сайрбошимиз (гид), ўрта ёшдаги йигит билан яқиндан та-нишдик. У асли ўша биз сайр қилиб юрган шаҳарчанинг мэри эканини эшитиб, ҳай-рон қолдик. Қанақасига?! Бизнинг тилимиз билан айтганда, шаҳар ҳокими сайрбоши-ликка вақт топиши мумкинми?

— Асли география мутахассисиман, — деди у, — ҳафтасига бир кун меҳмонлар-га хизмат кўрсатаман, бир кун коллежда жуғрофия фанидан дарс бераман, уч кун ҳокимлик вазифамни адо этаман, икки кун оилам даврасида ҳордиқ чиқараман.

— Ҳокимлик вазифаларини адо этишга уч кун кифоя қиладими? — деб сўрадик.

— Ҳокимликда барча вазифалар кон-крет тартиб асосида ходимлар орасида тақсимланган. Мен ходимлардан ҳисобот оламан, холос. Камдан-кам ҳолларда фу-қаролар муаммосини ҳал этиш менга қа-дар етиб келади.

Демак, вазифа-меҳнат тақсимо-ти йўлга қўйилган. Ҳар ким ўз вазифасини адо эта-ди.

Ҳозирги глобаллашув замонасининг энг мураккаб муаммоларидан бири — омма-вий мулоқот эканлигидан келиб чиқилса, ҳар қандай раҳбар шахс, жумладан ҳоким, биринчи навбатда одамлар билан мулоқот

бар, етакчи, ибрат, падари бузруквор бўли-ши шарт бўлган айрим ҳокимлар, вазир ма-қомидаги айрим раҳбарларнинг маънавий дунёқарашини кўя турайлик, оддий ахло-қий тушунчаси қанчалар ҳаминақадар экан-лиги қулоққа чалиниб қолмоқда. Суҳбати-ни кўя турайлик, икки оғиз интервьюсида унинг маънавий қиёфаси фош бўлади-кўя-ди. Фикримча, Республика Маънавият ва маърифат маркази бу сингари воқеа-ҳо-дисаларга ўз баҳосини бериб борсин. Европада ярим соат тўп тепган футболчига баҳо қўйилади, шу орқали унинг даражаси белгиланади, ҳокимнинг маънавияти ор-тида эса минглаб, миллионлаб ватандош-ларимиз турмуши, тақдири, келажаги буй қўзиб турибди.

Яна. “Jadid” газетасида мамлакатимиз-да туман, шаҳар ва вилоятга ҳокимлик қилганларнинг рўйхати эълон қилинса, ким қанча вақт бу лавозимни эгаллаб тургани кўрсатилса. Кенг омма, мутахас-сислар, тадқиқотчилар — жамоатчилик ўз мулоҳазасини билдирса. Мунозарара Бехбудий, Қодирий, Мунаввар қори “кў-шилса”. Ана сизга статистика, мана бизга статистика!

— Сизни заҳматкаш адиб, уйғоқ фикр-ли журналист деб таърифлашади. Хўш, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳаётда, оилада қандай инсон? Орзу-ҳавас, армонлар дегандек...

— “Яхши одамман” десам қулмайсиз-ми?... Янги ёзаётган романимда қахрамон шунга ўхшаш савол қўяди: “Ҳар ким ўзини яхши одамман, деб ўйлайдими?” Оғзини тўлдириб, хотиржам, қўрқмасдан, икки-ланмасдан айта оладими шу лутфни? Бир-овга хиёнат қилмадим, ўзганинг ҳақини емадим, ёмонлик соғинмадим, ҳалол иш-ладим, ҳалол топдим дея оладими? Дей-лик, оддий фуқаро коррупциявозлик қил-майди, қиполмайди ҳам, бинобарин, ҳар бир дасти дароз мартаба хўжаси “Корруп-ция чангалига тушиб қолмадимми?” деб ўзидан сўрай оладими?

Бу — ғурур, нафсоният, орият, бурч ма-саласи! Шундай иш тута оладиган, шуни қўрқмасдан айта оладиган одам борми? Кўпми? Қанча?

Аслида қадим таълимотларимизда ҳар бир банда ҳар кеч бошини ёстиққа қўйиб, кўзи уйқуга кетмасдан бурун ўзини саволга тута билмоғи ниҳоятда фойдали саналган. Инсоннинг инсонийлиги йана шу саволлар-ни бера олиш ва жавоби билан белгилла-нади. Жинсидан, ёшидан, мавқеидан, мод-дий-маънавий имкониятидан қатъи назар, айтилган савол олдида тароқнинг учидек тенг. “Сўроқ” деб номланган қиссамга “Сў-роққа тутилмай туриб ўзларингни ўзларинг сўроқ қилинглар”, деган ўлмас ҳадисни эпиграф қилиб олгандим.

Армон ҳақида сўраяпсиз, инсон борки, қават-қават армонлар қуршовида яшайди, умр кечиради — бошқа иложи йўқ.

Қатагон ва совет қирғини бўлмаганида, Бехбудий 80-90 йил яшаса, Мунаввар қори юзга чиқса, Абдулла Қодирий, Фитрат 120 йил умр кўрсайди, деб ўйлаб кетаман баъ-зан. Табаррук ойдинларимиз бугунги маъ-рифатсеварларимиз, зиёлиларимиз тутган йўлни маъқул кўрган, “Барака топинглари!” дея дуога қўл очган бўлур эдилар.

Суҳбатдош:
Зарнигор ИБРОҲИМОВА



22 АПРЕЛЬ – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ОЙДИН ҲОЖИЕВА ТУҒИЛГАН КҮН

Бировнинг шахсияти, ижоди ҳақида бир яхши гап айтилса, дарров ҳаёлимга “Одам бола-сидаги кимларгадир манзур бўладиган фазилатлар осмондан тушмайди. Аввало, оиласи, ота-онасининг тарбиясидан олади. Қолаверса, ўқиган, ишлаган муҳитидан, устозлик қилган инсонлардан, вақтида тўғри йўлни кўрсатган дўстларидан ибрат, намуна ўтади”, деган фикр келади.

Шу ўй баробарида раҳматли отам, онам, мактабда, институтда, сўнг иш жойларимда йўлчирик бўлган Матёқуб домла Қўшжонов, Зулфияхоним, Ойдин, Ҳалима опамлар, қатор дўсту дугоналаримнинг хотирамда муҳрланган сувратлари кўз олдимдан ўтма бошлайди.

Бугунги сўз эса ўзбекнинг буғдой сўзли, иссиқ юзли устоз шоири Ойдин Ҳожиева ҳақида. Опани қачон эсласам, шеър ўқиган ҳалқалари ёдимга тушаверади. Сухбатимизга ижод кайфиятини олиб кирмоқчи бўлсалар:

— Келинг, шеър ўқийайлик, — деб қолардилар. Юз-кўзлари бошқача бўлиб кетарди. Илоҳий бир нур инармиди-ей...

Шоҳсупа сардига райхон экайин, Келар йўлингизга сувлар

сепаини, Кўклам ёмғирдай сўзлари

майин, Садарайхон Сизни эслатур...

Севимли опалари Ражаббига аталган шу шеърни қачон ўқисалар: — Онам билан поччам болалигимда, ўқишга кирган пайтларимда, кейин яна оғир-енгил кунларимда ҳам тоғдай суянчиқ бўлишган, яхшилиқларини ҳеч қачон унутмайман, — деб қўярдилар.

Ёки Зулфияхоним ҳақидаги: *Кўкси, кўнгли тўла эзулик, зиё, Қайда гуллар энди ул меҳригиё, Дунёга бир келиб-кетди*

Зулфия, Баҳордай қайтмайди,

дегим келади...

— деган шеърини ўқисалар, бемор бўлганларида устознинг онадай бошида туриб берганларидан гапирар: — Шифокоримга “Бу менинг шоира қизим, албатта, соғайтириб бера-сизлар”, дебдилар-а, — дея миннатдор бўлардилар.

Ҳа, Ойдин опам бировдан кўрган яхшилиқларини унутмайдиган, ўзлари ҳам имкони борича бошқаларга яхшилиқ қиладиган гўзал қалбли инсон эди.

1996 йилда турмуш ўртоғим қаттиқ бетеб бўлиб, жиддий операцияни бошдан кечирди. Емирила бошлаган суякларига ўзларининг сон



Бошланиши 1-саҳифада.

МАТЕМАТИКА ВА МЕН...

Яратган тақдиримни математикага боғлаган экан. Мактабни битираёйиб лицейга аниқ фанлар эмас, хорижий тил йўналишига ҳужжат топширганман. Лекин тақдирнинг ўйинини қарангки, ўша йили ҳаммани умумий битта гуруҳга қабул қилишди — Янги йилдан кейин иқтидорига қараб саралаш шарти билан. Устозларим мени аниқ фанлар йўналишига торттишиб, саралаш вақти келганда физика-математика синфига ўтказмоқчи бўлишди, аммо ўзим иқтисод йўналишини танладим. Шундай қилиб, қаршиликларга қарши курашиш бора-бора ма-

“ФЕРУЗА ТОШ БЎЛСАМ ДАРЁЛАРИНГДА...”

суякларидан олиб улашди. Шифокорлар менга:

— Сиз то суяк суякка кўшилиб битиб кетмагунча бошида ўтиришингиз керак. Аввал ўн беш дақиқадан, сўнг ярим соатдан ниҳоятда авайлаб у ёнбошидан бу ёнбошига ағдариб туришингиз керак. Бўлмаса ётоқ яра тушиб кетиши мумкин, — дейишди. Катта болаларимизнинг ишлари гуриллаб турган пайт, бир сония бекор вақтлари йўқ, кичиклари ҳали кичик. Мен уч ой Миразиз аканинг бошида ўтиришимга тўғри келган. Шифохонага боришдан аввал Ойдин опамларнинг олдида кирганман:

— Ўз ҳисобимдан таътил бера-сизми? — дея аҳволни тушунтирганман. Опа бирпас ўйланиб турганлар-да:

— Миразиз ака бу аҳволда бўлсалар, сиз ҳам ўтириб қолсангиз, тирикчиликларингиз нима бўлади? Болаларингизнинг ҳам ўз оиласи бор, тагин дадасининг дўхтири билан боғлиқ ҳамма харажатлари болаларининг зиммасида, деяпсиз. Келди-кетди оила бўлсангиз, яхши-си, бундай қиламиз, — дея фикрини айтди. Шу билан мен уч ой шифохонада бемор бошида бўлдим. Бош муҳарриримиз тахрирга эҳтиёжи бор материалларни ҳар янги сон бошланиши билан ҳамкасб қизлардан бериб юборарди. Тахир тугагандан сўнг кўнгирак қилардим, келиб материалларни олиб кетишарди. Маошимни ҳам ойма-ой қўлимга юбориб турган эдилар. Бирор марта “Қизларнинг ҳам ўзига яраша иши бор, ўзингиз келиб олиб кетинг”, демаган...

Яхши кунингда ёнингда турганлар эсингда турмаслиги мумкин, аммо қийинчиликда маддакор бўлганлар ҳеч қачон хотирангдан чиқмайди. Мен устоз шоирамизнинг менга қилган шу яхшилиқларини ҳамиша ҳақларига дуолар билан ёдга оламан.

“Саодат” журналига бошчилик қилганларнинг Зулфияхонимдан бошланган гўзал бир анъанаси бор: ёзганларида “йилт” этган истеъдод учкун бори, юзага чиқаришни, катта майдонларга йўллашни ўзларининг бурчи деб билишади. Ойдин опам ҳам бу бурча содиқ бўлди.

Ҳар бир ижодкорнинг ичида “мен”и бўлади. Уни енгиб, бошқа бир истеъдодлини қўллаб-қувватлаш учун одамнинг қалби тоза, ҳа-

саддан холи бўлиши керак. Устозда шу фазилат яққол кўринарди. Бу ҳақда фақат эшитибгина қолмай, бевосита ғувоҳи бўлганларим бисёр.

Сурхондарёлик бир ижодкор қизининг шеърлари матбуотда кўрина бошлади. Бир гал почта орқали ўша қиздан устозга мактуб ва туркум шеърлар келди.

— Яхшигина калами бор экан, хатини ўқиб юрагим эзилиб кетди. Онаси билан яшаркан. “Шеърларим республика матбуотида чоп этилса, онамининг чўккан кўнгли кўтариларди. Одамлар орасида қадри бўларди”, деб ёзибди. Келинг, шу қизнинг шеърларини мана шу сонга қўйиб юборайлик, — дедилар.

Сурхондарёга хизмат сафари билан борганимизда опанинг илтимоси билан ўша шоира қиз — Зилола Яхшиева ўқиётган коллежда учрашув қилдик. Зилоланинг туркуми чоп этилган журнални тарқатдик. Ойдин опа қизнинг ўзини минбарга тақлиф қилиб, шеър ўқитди. Тошкентга қайтганимиздан сўнг ҳам Сурхондарёдан тайёрлаган материалларимизга:

— Қутлижон, умумий сарлавҳага Зилоланинг бирор сатрини чиқар-сак. Зора, материалларни вилоят раҳбарлари кўраётганда бу сатр диққатини тортиб, шу яримкўнгли қизни қўллаб юборишса, — деди ва сарлавҳага ҳаваскор синглимизнинг “Қўёш йўлагидан чопиб бор-япман” деган сатрини чиқардик. Кейинчалик Зилоланинг китоби чоп этилди. Ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида иштирок этди. Ойдин опам бу қизнинг ҳар бир қадамидан хабардор бўлиб, қўллаб турди.

— Отам дунёдан эрта ўтган, болалигим осон кечмаган, — дерди устоз.

Баъзилар ҳаёт сийлаб юборса, изда қолган кунларини унутади. Ойдин опам унутмагани учун бўлса керак, ҳамиша мададга муҳтож инсонларни қўлларидан келганча суярдилар. Ҳукумат бир пайтлар адабиёт олдидидаги кўп йиллик хизматларини эътиборга олиб, таниқли адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Ғафуров билан Ойдин опамга Паркент бозори ёнидаги қўнқаватли уйлاردан бир хонадон берди. Пастки қаватда оддийгина оила — узоқ йиллар “Шарк” матбаа нашриётида ишчи бўлиб ишлаган аёл турмуш ўртоғи ва коллежани битирган қизи билан яшарди.

Ойдин опам шу оиланинг яшаш шароитини билиб, қизи орқали ёрдам бергиси келди ва иш тажрибаси мутлақо йўқ, ўзи ҳам хийлагина гўр қизни “Саодат” журналига тортди. 2000 йилларнинг бошида матн терувчи бўлиб иш бошлаган шу қизга опа худди туққан онадай меҳрибонлик қилди. Кўпчилик ичида ўзини қандай тутганини ўргатди. Кийиниш, катталар билан муомала маданияти, муносабат ўрнатиш масалаларига сабоқ берди. Вақти келиб оила қурганида ҳам моддий мадади, маслаҳатларини дариг тутмади. Қиз “Саодат”да туп қўйиб, палак ёзди. Кейинги йилларда ҳам меҳнаткашлиги билан раҳбарларнинг эътиборига тушгани учун вақти билан саҳифаловчи, сўнг дизайнер даражасига етди. Бир пайтлар фақат дугоналарию кўни-кўшнисигина танийдиган қизни бугун журнал билан мулоқотда бўлган барча муаллифлар яхши танийди. Илк қадамлари Ойдин опамнинг қалбидан бошланган бу қиз бугун ҳаммамизнинг ҳар дақиқада ишимиз тушиб турадиган техника устаси, хотин-қизларга кундалик ҳаётда керак бўладиган манзилларни беш қўлдай биладиган, кези келганда биз “Хосижон” дея эркатлатадиган — Хосиятхон Ҳакимова бўлди.

Устознинг таржимаи ҳолларига нур бериб турадиган бундай воқеалар жуда кўп. Бугун адабиётимизда алоҳида бир мавқега эга бўлган Фахриддин Низомов, Хосият Рустамова, Гўлжамол Асқарова каби шоирларнинг ҳам тақдир йўллари қай бир нуқталарда устознинг яхшилиқлари билан туташган. Бир ҳақиқат борки, шоир-ёзувчининг ёзганлари ўзига ўхшайди. Зарра кам ҳам, зарра зиёғ ҳам бўлмайди. Ўзбекистон халқ шоири, адабиётимизга “Шабнам”, “Тамал тоши”, “Тароват”, “Наво”, “Шом шуъалари” каби қатор асарлар қолдирган Ойдин опамнинг Ҳожиеванинг ҳам шеърлари ўзига ўхшайди — улардан яхшилиқ нафаси уфуриб туради:

Ҳазориспанд бўлсам

сахроларингда,

Феруза тош бўлсам дарёларингда,

Ҳайит ойи бўлсам самоларингда,

Меҳру вафо кўрар дунёларингда,

Сени ёмон кўздан асрамоқ учун...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Ойдин ҲОЖИЕВА

ИСТИҚЛОЛ СЎЗИН АЙТСАМ

Истиқлол сўзин айтсам,
Кўксимда чинор ўсар.
Лайлақлар уя қурган
Бухорий минор ўсар.
Набирам лаҳжасида
Тоғдайин виқор ўсар.
Ғунчалар нафасидан
Жаннатий ифोर эсар
Қатраси дур ёмғирлар
Шивалаб, баҳор эсар.
Озода руҳ Тоҳирлар
Савлатидан сор ўсар.
Чақмоқ урган тутларнинг
Бағрида дутор ўсар.
Бургутфёъл йигитларнинг
Қўкайда ор ўсар.
Бешиқдаги бек болом
Ҳаққа ҳаводор ўсар.
Маликчўл — қутлуг далам
Исирик-тумор ўсар.
Юртим юксалиб қирқ газ,
Элим эркиёр ўсар.
Рухлар — уйғоқ, шаън — уйғоқ,
Тилимда алёр ўсар.
Истиқлол сўзин айтсам,
Кўнглимиз минг бор ўсар.

Мажнунтоллар ширин уйкуда,
Эртақларин туш кўрар бу чоқ.
Чироқларнинг сояси сувда —

Ёнаётган шам каби порлоқ,
Ойна каби ярқирайди сой,
Мавжларида шўнғир шабада.
Кеча сирли, маҳобатга бой,
Бир ҳарирлик бордир ҳавода.
Нозанин ой чиқар жилмайиб,
Ҳаёлларга ташлайди қармоқ.
Хаёлни ўз эркига қўйиб,
Керак жим-жим айланиб юрмоқ.
Тилақларнинг чашмаси қайнар,
Ваъдалар ҳам муқаддас бу кеч!
Ҳиллираган ҳавоси яйрар,
Салқин, сарин, хушнафас бу кеч!
Осмон дарахт — ерга эгилган,
Медалари тарам-тарам нур.
Қўл узатсанг, роса етилган —
Юлдузлари дув-дув тўкилур!

Қай кун эди... Сизни соғиндим.
Деразаним очдим қуёшга.
Тоғдан тушиб келди кундузим
Бир сават нур кўтариб бошга.
Кўз юмганча туравердим лол,
Аста-аста исиди жоним.
Юзларимга урилди шамол
Ва кенгайиб кетди жаҳоним.
Боғ ариқдан оққан гул менгиз
Қалқиб чиқдим чексиз дунёга.
Кўрдим, ҳаёл қирларида сиз
Кетардингиз пойи пиёда...

УЧ ЎЛЧАМЛИ ОЛАМ ОШИФИ

тематикага бўлган муҳаббатим янада кучлироқ аланга олишига сабаб бўлди. Энди эса ҳеч афсусланмайман. Математикани чуқурроқ ўрганганим қолган барча билимларим учун бир пойдевор бўлди.

Отам математик бўлишини, тўғрироғи, ўқитувчилик касбини танлашимни унчалик хоҳламам. Чунки фарзандлари ўзи каби қийналишини истамаган. Ҳужжатларимни қўлимга олгач, ҳеч кимга айтмасдан Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети математика йўналишига топширдим. Ўқишга энг юқори балл билан биринчи ўринда кирдим.

2012 йили аспирантурага ўқишга қабул қилингим ва устозим халқаро миқёсда тан олинган олим Ўткир Розиков раҳбарлигида — “Математик анализ” ихтисослиги бўйича физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Шу йилнинг ёзида эса “Чексиз ўлчамли ва ноархимед динамик системаларнинг Гиббс ўлчовлари назариясига татбиқлари” мавзусидаги докторлик ишимни ҳам ёқладим. Ноархимед анализ математикада анча ёшроқ йўналишлардан ҳисобланади. Биз одатда ўзимиз ўрганиб қолган Архимедча таҳлил ёки икки ўлчамли фикрлашга таянамиз. Аммо ҳаётдаги воқеа ва жараёнларни тушуниш учун бу етарли эмас. Уларга уч ўлчамли, яъни кенг қамровли, чуқур ва кўп қиррали ёндашув орқали баҳо беришимиз керак бўлади. Архимедча таҳлил макрооламда, яъни биз кўз билан кўриб турган ҳодисаларни тадқиқ қилса, ноархимед таҳлили микрооламда рўй бераётган жараёнларни ўрганади.

Бу орада икки марта Малайзияга илмий сафар билан бориб келдим. У ерда ҳам-юртимиз, узоқ йиллардан буён ўша ерда фаолият олиб бораётган устозларимиздан бири таниқли олим Фаррух Муҳаммедов билан бирга ишладим. 2017 йилда Бирлашган Араб Амирликлари университетидида тадқиқотчи ассистент лавозимига ҳужжат топшириб, суҳбатлардан ўтган, у ёққа кетдим. Хорижда иш жараёнида илмий фаолиятим анча яхши ривожланди.

Математика ҳам битта тил. Шундай тилки, Галилей таъкидлагандек, табиат китобини ёзадиган тил. Яъни бориқдаги ҳақиқатларни гўёки формулалар орқали математик тилда ёзиб беришди. Фақат бу тилнинг бошқа тиллардан имконияти анча кенг. Ана шундай имкониятлардан фойдаланиш учун эса математик олимнинг тасаввур дунёси жуда бой бўлиши зарур.

АДАБИЁТ ВА МЕН...

Достоевскийга мубтало бўлганимда 15-16 ёшли ўсмир эдим. “Телба”ни бошладиму ўзим ҳам “телба” бўлдим. 600–700 саҳифалик китобни бир кунда ўқиб бўлиб, неча кун шунинг таъсиридан чиқолмай юрдим. Йиллар ўтиб ўттиз ёшимда қайтадан бўлиб-бўлиб ўқиганимда яна ўша ўн беш йил бурунги хотиралар қуршовида қолдим. Биласизми, ўзи Достоевскийни ўқиганда одам бутунлай реал оламдан узилиб, бошқа бир дунёга тушиб қолгандек бўлади. Ҳар бир қаҳрамонида ўзингизни кўрасиз, у билан бирга изтироб чекасиз, у билан бирга курашасиз, у билан бирга барига қўл силтайсиз. Масалан, “Қиморбоз”ини ўқиганимдаям

Алексей Ивановичдаги иккиланишлар менда ҳам бўлишини сезардим. “Мен учун нима муҳим? Футболми, математиками, адабиётми?” дея савол берадир ўзимга. Худди агар футболни десам, математика қолиб кетаётгандек, илмий ишим билан шуғуллансам, мутлолаага кечикаётгандай, булар бири биридан мени қизганаётгандек туюлаверган. Драйзер билан Достоевскийни бир хил кўраман. “Жиноят ва жазо” ҳамда “Америка фожияси”ни икки миллатга мансуб бир киши ёзгандек гўё. Ўткир Ҳошимовнинг, Тоҳир Малиқнинг асарларини қайта-қайта ўқийман ва уларни маънавий, руҳоний устозларим деб ҳисоблайман. Ҳозир олдингидек бир кунда битта асарни тугата олмасам-да, 100–200 бет ўқишга ҳаракат қиламан. Яқинда Тахша Уғрулзулнинг “Абдулхамидхон. Яширин тарих ҳақиқатлари” китобини ўқиб тугатдим.

Ҳар қандай ҳолатимда мени руҳлантирадиган, доим ёрдамга тайёр дўстим, муҳаббатим бу адабиётдир. Кайфиятим тушкун бўлса, Азиз Несинни қўлимга оламан. Юморда Несинга тенг келадигани йўқ, менимча. Ҳаммаси ҳаётий, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати ўта самимий. Кайфиятсиз ҳолда ўқини бошладимми, қаҳ-қаҳ отиб қулиб юбораман. Ёки нимадандир қаттиқ суюниб кетсам, Достоевскийни ўқиб, бирпасда ўзимга келиб қоламан. Достоевский шунақа ўрнингизни кўрсатиб қўядиган ёзувчи.

ФУТБОЛ ВА МЕН...

Футбол ўйнамаган пайтимни эсполмайман, ҳатто амирликларда ишлаган вақ-

тимда аввалига футболсиз қийналиб юрганман. Кейин сўраб-суриштирсам, илмий ходимлар орасида чемпионатлар бўлиб тураркан. Мен ҳам жамоага қўшилиб чемпионатда қатнашдим ва биз ўшанда ғолиб бўлгандик. Институтда ҳам футбол жамоамиз бор, ҳар чоршанба кун тўп тепиб турамыз. Ўша кун футбол вақти бўлдимми, ҳамма нарсани йиғиштириб майдонга ошиқамиз, мен ҳужумда ўйнайман. Математика институтига қиршишда олдимга иккита мақсад қўйганман: илмий даража олиш ва футбол командасида ўйнаб чемпион бўлиш. Ўтган йиллар давомида Фанлар Академияси чемпионатида жамоамиз финалга чиқиб, бир неча бор ғолиб бўлдик. Қолаверса, иккинчи мақсад — докторлик ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим.

СЎНГСЎЗ

Отам ҳам ўз вақтида аспирантурада ўқиган, аммо шароит тақозоси билан илмдан кетиб, мактабда иқтисоддан дарс бера бошлаган. Илм йўли — отамнинг армони. Лекин ҳеч биримизни ўзи етолманган чўқкига чиқишга ундамаган. Бу йўл осон бўлмаслигини билган ҳолда бизни аяган, шекилли. Бугунги эришган ютуқларим отамнинг қаттиққўллиги ва биз учун яратиб берган муҳити ортидан деб биламан. Чунки ҳар бир ютуққа эришишда қатъий интизом, танлаган соҳага бўлган муҳаббат бўлмас экан, ҳар қандай истеъдод ҳам сўниб қолиши, юзага чиқмаслиги эҳтимоли катта. Баъзан отамнинг ўша армонини ушалтира олдимми ўзи, деб ўйлаб қоламан.

Шаҳноза РОФИЕВА ёзиб олди.

ЖАРАЁН



Пахтачи туманидаги 1-мактабда йил-ўн икки ой баҳор, десак муболаға эмас. Бунда фасллар алмашмайди, ям-яшил дарахтлари камалакранг гуллар аёзда ҳам кўрган кўзга ҳузур, кўнгилга тафт-ҳарорат беради. Худди ботаника боғини оралаб юргандай бўлади киши. Боиси оддий: ҳамма гап устозлар жамоасининг “Ҳар битирувчи учун бир дарахт” лойиҳасида. Ушбу таълим даргоҳини тугатиб, катта йўлга қадам қўяётган навнихол ёшлар яхши ният билан бир тупдан арча кўчатини экади. Муассасанинг ўзига хослиги эса фақат бундагина эмас...

БОҒЛАРИДА БАҲОР БОР...

Мактаб 900 нафар ўғил-қизни бағрига сиғдиради. Шундай катта ситимга эга даргоҳ 2021 йилда – қурилгандан роппа-роса қирқ беш йил ўтиб қайта таъмирланди. Таъмир ишлариға давлат бюджетидан 5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Мактаб жиҳозлари ҳам тўлиқ янгилаб берилди. Албатта, унинг давлат дастурига киритилиб, капитал таъмирдан чиқишида директор Бахтиёр Салимовнинг ҳам хизмати катта.

Бахтиёр аканинг мактаб педагогик жамоасига раҳбарлик қилаётганига йигирма йилдан ошди. У саксонинчи йилларда оддий ўқитувчи бўлиб ишга кириб, ташаббускорлиги ва бошқарув қобилияти билан тезда эътиборга тушди. Кўп ўтмай унга ўзи фаолият олиб бораётган мактаб бошқаруви ишониб топширилди.

Ҳозир унча-мунча таълим муассасаларидан қолишмайдиган мактабнинг замонавий типдаги 40 та синфхонасида 1136 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил оляпти. Уларга 100 га яқин устоз-мураббий дарс беради. Ўқитувчилардан 12 нафари олий, 23 нафари биринчи ва 34 нафари иккинчи тоифали.

Мактабда бир қанча тўракалар фаолияти йўлга қўйилган. Ўқувчилар билан олиш баробарида касб-корга ҳам йўналтирилмоқда. Бу борада мактабга келтирилган 8 та тикув машини, электр арра, пайвандлаш ускуналари анча қўл келмоқда. Ўғил-қизларга кундалик ҳаётда муҳим касблардан сартарошлик, тикувчилик каби хунарлар ўргатиб келинмоқда. Бугун 1-мактаб ўқувчилари орасида сифатли эшик-ром, стол-стул, хонтахта, тақинчоқлар ясаб, маҳаллада эътиборга тушаётганлари кўп.

– Бирор ўқувчимиз бекор юрмайди, – дейди Бахтиёр Салимов. – Ўқувчиларимиздан аксариятининг ота-онасини ҳам ўқитганман. Шунинг учун уларнинг оиласидаги шарт-шароитдан яхши хабардорман. Қишлоғимизда ҳамманинг уида иссиқхона бор. Бу дегани, ўқувчи томорқада ишлайди, банд бўлади. Ҳамма ҳам ўқишда бирдек фаол бўлмаслиги мумкин, кимларнингдир хўнарга уқуви зўр бўлади.

Мактабимизда уч сотих ерда

иссиқхона ташкил қилиб, лимон экканмиз. Ундан ортиқ боғбонимиз бор. Экин-тикин ишлари, боғ-роғга улар қарашади. Ўз навбатида, уларнинг меҳнатини рағбатлантириб, касаба уюшмаси томонидан республика бўйлаб тез-тез саёҳатлар ташкил қиламиз. Баъзан ўқитувчиларимиз кўнгилли равишда ёрдамга ошиқиб қолган пайтлари ҳар ким ўз ишини қилиши кераклигини ўқтираман: ўқитувчи дарс бериши керак, боғнинг ўз ишчиси бор. Боғ тилини улар яхшироқ тушунади, бола тилини эса устозлар...

Умумий майдони қарийб тўрт гектар мактаб ҳовлиси росмана яшил ҳудуд – минг тупдан зиёд арча, салкам 500 туп мевали дарахт бор. Февраль охирлаши билан йўлақлар четига турфа гуллар экилади. Эрта баҳор райхон ва гуллар чечак очиб, сиёҳи ва қирмизи рангларнинг табиий қоришиқ композицияси яралади. Айниқса, мактаб ёқалаб ўтган катта йўл бўйлаб экилган канна гуллари чиройи йўловчиларнинг-да баҳри дилини очиб, хуш кайфият улашиб туради.

Мактаб нафақат қишлоқда, туманда ҳам танилган. Ўтган ўқув йилида битирувчиларнинг 55 фоизи нуфузли олий таълим

илмга кўпроқ йўналтирсак, улар эртага авлодлар тарбиясида масъулиятни шунча кўп ҳис қилади.

Бир неча йил аввал 8-синфда ўқийдиган бир қизимизда кечаётган ҳолатлар, ўзини тутиши диққатимизни тортди: у одамлардан ўзини четга оладиган, ҳеч кимга ҳеч нима демая дарсдан чиқиб кетадиган одат чиқарди. Айрим гап-сўзи билан дугоналарини ҳам хавотирга қўйган. Табиийки, биз ўқитувчилар унинг ҳар қадамини назоратга олдик. Ўз вақтида ўрганишларимиз натижасида билсак, қиз ўз жонига қасд қилиш фикрида юрган. Бу гап директоргача етиб, ҳамма оёққа турди – ўқитувчилар, психолог, шифокор... Қиз руҳияти билан ҳамма бирдек машғул бўлди. Мана, ўша қиз мактабни тугатиб, оила қуриб, ҳозир ширин-шакар икки фарзанднинг онаси. Демокчиманки, ҳар бир ўқувчи ҳаётда ўз йўлини, оила ва жамиятда ўрнини топиб кетишида ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам шундай жон қойитиши керак, аслида.

Ҳақиқатан, ўқитувчилар ўқувчилар билан жуда яхши муносабатда. Шунинг учун улар ўзлари билим олган масканига ўқишни тугатгандан кейин ҳам серқадам, юксак эҳтиромда. Ким

БОҒЛАРИДА БАҲОР БОР...

китоб, ким гул келтиради, ўқув жиҳозлари тўхфа қилгани қанча. Мактаб ҳовлисига ўғил-қизлар учун янги дизайндаги ўриндиқлар ясаб берган отанинг ҳиммати ҳам мана шу мактаб меваси. Айниқса, Равшан Шерназаров, Абдумажид Назарматов каби собиқ ўқувчиларнинг доимий ёрдамлари туфайли директор имкон даражасидаги ишларга мутасадди ташкилотларни безовта қилавермайди.

Ўтган ўқув йили “Ташаббусли



марта жадидлар ҳаётидан кўри-нишлар ҳам намойиш этилади.

– Мактабдаги тадбирларга ота-оналарни кўпроқ жалб қиламиз, – дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Нилуфар Қаландарова. – Бу бир томондан ўқувчиларни руҳлантираса, бошқа томондан ота-оналарнинг фарзанди иқтидорини аниқлаб олиши учун имкон беради. Ҳар чорак якунида таътилолди китоб ярмаркаларини ташкил қиламиз. Ота-оналарнинг баъзилари болаларига китоб олиш асосида, мактаб кутубхонаси учун ҳам бадиий адабиётлар тўхфа қилишади. Мактабимиз кутубхонаси 4 мингдан ортиқ бадиий, илмий-оммабоп китоб, бундан ташқари юртимизда чоп этиладиган газета-журналлар билан тўла.

Мактабимизда 566 нафар ўқувчи-қиз таълим олмақда. Биз устоз бўлиб уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратамиз, улар билан кўпроқ муносабат қуришга ҳаратасак, ёшларга таълим бериш баробарида тарбиясига ҳам кўпроқ эътибор қаратсак, нуфузли давлатлар ичида ўз ўрнини топишимизга ишончим баланд.

Аслида, мақсад ҳам шу. Янги Ўзбекистон ёшлари ҳар жаҳзада дунёни забт этмоғи ва келажак боғининг азим дарахтига айланоғи шарт!

бюджет” лойиҳаси доирасида ушбу мактабга 18 та электрон доска, иккита замонавий компьютер жамланмаси ажратилди.

– Мактаб туманимиздаги 42 та таълим маскани ичида энг намуналиларидан бири, – дейди Пахтачи туман мактабгача ва мактаб таълим бошқармаси бўлим бошлиғи Анвар Носиров. – Президентимиз томонидан таълимга изчил эътибор қаратиб келинаётгани барча даражадаги раҳбарлар масъулиятини ошириб, ўқув тизими юксалишига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Жумладан, ўқувчилар ва ўқувчиларнинг мажбурий меҳнатдан озод қилингани, сўзсиз, ҳар қандай мактабнинг республикада энг намунали илм масканига айланиш имконини ўн-юз чандон оширди, десак хато бўлмайди. Шароитимиз, имкониятларимиз тубдан яхшиланди. Энди биз маорифчилар яратилган ушбу шарт-шароитга муносиб фаолият кўрсатсак, ёшларга таълим бериш баробарида тарбиясига ҳам кўпроқ эътибор қаратсак, нуфузли давлатлар ичида ўз ўрнини топишимизга ишончим баланд.

Аслида, мақсад ҳам шу. Янги Ўзбекистон ёшлари ҳар жаҳзада дунёни забт этмоғи ва келажак боғининг азим дарахтига айланоғи шарт!

Муҳайё РУСТАМ ҚИЗИ



Бошланиши 1-саҳифада.

Илм-фанимизда ўз мактабига эга, жаҳон тан олган, кашфиётлар яратган машҳур олимларимиз илмий фаолияти давомида тайёрлаган фан номзодлари ва фан докторларининг рўйхати юқоридаги профессор бир йилда тайёрлаган “олим”лардан анча қисқароқ. Нима, ўша танқили олимлар дангаса бўлишганим – йилига бир-икки, кўпи билан уч нафар шоғирди номзодлик иши ёқлаган.

...Жияним беш йилдан буён тиббиёт фанидан номзодлик ишини ёқлаш учун елиб-югуради. Ойда бир пойтахтга бориб келади, устози билан илмий иши бўйича маслаҳатлашади, хулосаларни олади, тажрибалар ўтказади. Яқинда у қизиқ гап айтиб қолди: “Бошқа бир вилоятдан ёш қиз ҳам илмий ишини мен билан бир вақтда бошлаганди. Кейин негадир кўринмай қолди. Яқинда пойтахтга борганимда тасодифан учратиб қолдим. Ишлари билан қизиқдим. У менинг ҳамон илмий иш ёқламаганимни эшитиб, хайрон қолди. “Қизиқ экансиз, ҳалиям бош оғритиб юрибсизми? Мен ишимни осон битказдим. Шу иш бошида турган уздабурон бировига уч минг доллар бердим, шу ҳақ эвазига дарров илмий ишни тайёрлаб берди, қарабсизки, бир йилда ишимни ёқладим”. Энг қизиғи, у аллақачон докторлик иши устида ишлаётган экан...”

Узоқ йиллар тарихий мавзуда тадқиқотлар олиб борган танишим эса жияним афсус-ла айтмиш фикрларни тўлдирди: “Ҳозир қайси фан бўйича бўлмасин фан номзоди, яъни фалсафа доктори илмий даражасини олиш жуда осон бўлиб қолди. Бир йилда ёқлаб кетаётганлар ҳам бор. Бунинг учун илмий ишларни тасдиқлайдиганлар орасидан таниш топса бўлди... Ҳатто бир вараққа сиғмайдиган илмий тадқиқот қилмаган одам ҳам “куф-суф” дегунча фалсафа доктори бўлиб турибди-да!”

Ва яна ҳозирда пул эвазига номзодлик ва ҳатто докторлик илмий ишини ёзиб берадиганлар борлиги ҳақида ҳам гап-сўзлар юради.

Нима деймиз? Илмий салоҳияти бор инсон ўзининг билимидан моддий манфаатдорлик учун фойдаланганига эътироз билдириши қийин. Аммо бировнинг меҳнати орқасидан “олим” бўлганларни оқлаб бўладими?

Урганч давлат университети профессори Баҳовуддин Содиқов олийгоҳни тугатган аспирантурада қолиб, беш йилда биология фанлари номзоди илмий ишини ёқлаган эди. Машҳур олим, академик Собир Юнусовнинг шоғирди бўлган ёш олим шу даврда тоғу дарааларни кезиб, турли гиёҳлар таркибида учрайдиган янги иккита алкалоид моддасини аниқлайди. Кейинчалик қолган умрини талабаларга сабоқ беришга бағишлайди. Бир вақтнинг ўзида академик Саъдулла Искандаров билан ҳаммуаллифликда илк бора ўзбек тилида талабалар учун “Органик кимё асослари” дарслигини ҳам ёзади.

Домладан “Нима учун докторлик илмий иши устида ишламадингиз?” деб сўраганимда шундай деб жавоб қилди: “Докторлик ишим учун камида тўрт-бешта янги алкалоид кашф қилишим керак бўларди. Бунинг учун камида ўн беш йил умрим сарфланарди. Олимпик машаққатли юмуш”.

Марҳум профессор топган алкалоидлар бугун ҳам фармацевтикада дори-дармон тайёрлашда ишлатилмоқда...

Ўн йиллар олдин элдошим бўлган бир аёл номзодлик ишини қўриб, таҳрир қилиб беришимни илтимос қилди. Иқтисод фанлари номзодлиги учун ёқлашга тайёрланган илмий иш вилоятнинг беш йиллик иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилидан иборат экан. Статистика бошқармасида жилд-жилд

бўлиб ётган рақамларни ўзаро таққослашдан нима наф чиқишини англай олмадим. Олима фан номзоди бўлганда табриклашга уялдим, рости...

Йигирма йиллар олдин депутат бўлган раҳбар ходим илтимосига кўра унинг учун “депутатлик сўрови”, “депутатлик ҳисоботлари”ни тайёрлашда кўмаклашганим бор. Депутатнинг ўзи бир варақ қоғозда камида йигирмата имловий хато билан ёзарди. Сўзни сўзга тиркашдаги чалкашликларини айтиб ўтирмай. Яқинда ўша собиқ депутат қайсидир соҳа бўйича фалсафа доктори бўлгани ҳақидаги хабарга кўзим тушиб, ёқамни ушладим.

Хусусий нашриёт эгаси бўлган ижодкор укаимиз зорланиб қолди: “Олимпларнинг номзодлик (фалсафа доктори) ишларини китоб ҳолида чоп қилишимга тўғри келади. Бириси тарих бўйича илмий иш экан. Салкам юз эллик бетли монографияда айтилмоқчи бўлган фикрни олти-етти варақли мақолага бемалоп сингдириш мумкин. Шунча қоғоз зое, кетган вақтни айтинг. Бундан кимга наф?”

Дарвоқе, кимга наф? Аввало, ўзига. Номзод бўлган доцентлик мартабасига эришади. Табиий равишда ойлик маоши ошади. Кейин докторлики ҳам шу зайл ёқласа, яна маошга оид қўзларни излаб, таркибини таҳлил қилишганим? Тарих бўйича илмий иш ёқлаётганлар мазийнинг узоқ ёки яқин даврида содир бўлган воқеаларни ҳозирги кун – истиклол мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ қилишяптими, “тарихимизнинг кир ва қора кунлари” ҳақидаги ҳақиқатларни қай даражада очиб, халқимизга етказишмоқда? Иқтисод бўйича илмий иш қилаётганлар ислохотлар жадаллашувига туртки бўладиган қандайдир янгилик, иқтисодий усткурмаларни тақлиф қилишдимиз?

Тўғри, фаннинг ушбу соҳаларида озми-кўпми янгиликлар яратаётган фидойи олимларимиз бор. Аммо ҳар йил “фалон университетда фалон нафар фан номзоди, фан доктори тайёрланди” деган кўтаринки ҳисоботларга тиркаладиган “олимплар” нималар кашф қилишди деган саволимиз ҳавода муаллақ қолади.

Яна бир гап. Танишим ажабланиш оҳангига айтиди: “Ҳамма ёқни фалсафа докторлари босиб кетди. Қуни кеча университетни битказган талаба ҳам бир юмалаб фалсафа доктори бўляпти. Рост, бугун олимликнинг оёрум-мавқеи пасайиб кетган”.

Қирқ йиллик тадқиқотлари натижасида аввал фан номзоди, сўнг фан докторлиги ёқлаган, ўттиздан ортиқ рисола, монографиялари чоп қилинган, илмий мероси икки юз табоқдан ошадиган таниқли бир олим оргилки мавзумизга нуқта қўядиган гапни айтдилар: “Ҳозир фан номзодлиги учун тайёрланаётган айрим “илмий иш”лар муқаддам талабалар ёзадиган диплом ишлари даражасида ва ҳатто ундан пастроқ ҳам”.

Ҳақиқий олимнинг таассуфиди жон бор. Фалсафа – илмнинг негизларидан ҳисобланади. У алоҳида фан. Абу Наср Форобий “дунёнинг иккинчи муаллими” ўлароқ буюк файласуфлар қаторида тилга олинади. Сўнгги бир асрда юртимиздан дунё таниган фалсафа фани фидойилари, санокли файласуфлар чиқшган.

Фаннинг қайсидир йўналишида илмий иш қилиш иштиёқида бўлган бўлғуси олимлар ҳали илмий иш ёзишга киришишлари билан бир қатор керак-

кераксиз топширик, кўрсатмалар гирдобда қолишади. Улардан қайсидир хориж журналида мақола чиқариши талаб қилинади. Биладиган инсонлар “қўғирчоқ” деб атайдиган ўша илмий журналларда (тўғри, улар орасида жаҳоннинг энг нуфузли университетлари нашрлари ҳам бор, аммо уларга ҳамманинг бўйи етмайди) мақола чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Ҳар бир мақолани чоп қилдириш учун фалон доллар пул тўлаш керак. Ўша илмий журналларнинг адади қанча, қайси давлатларга тарқалади, тарқаладими ўзи, нуфузи қандай? Бунинг аҳамияти йўқ. Яна илмий ишини тайёрлаган ёш олим ҳали ҳимоя арафасида уни бир неча нусхада нашр қилдириши керак. Буям катта маблағ талаб қилади. Қисқаси, илмий иш устида ишлаш, қандайдир янгилик яратиш, амалиётга жорий қилишдан кўра шунга ўхшаган “мажбурий нашрлар” аксар бошловчиларнинг ҳафсаласини пир қилади – ёш олимнинг чўнтагидан ҳаммаша шамол увиллаб туради ахир.

Университетда таҳсил олганимда “Матбуотда парафразаларнинг ишлатилиши” мавзусида курс иши ёзганман. Олти ой давомида бир қатор вақтли нашрларни эринмасдан варақлаб, айнан мавзуга оид қўзларни излаб, топиб, уларнинг қайси ўринларда қай маънода ишлатилганини таҳлил қилганман. Қирқ варақли курс ишим юксак баҳо олган ва ҳатто бу мавзуну кенгайтириб, номзодлик илмий иши қилишга таклиф ҳам қилишган. Оилавий шароит сабаб аспирантурада қолимадим – журналист касбини танладим.

Ҳозирда талабалар курс ва диплом ишларини “қандай ёзаётганлари” ҳақида ҳам кўп эшитаман. Ижтимоий тармоқларда барча фанлар бўйича шу мавзудаги курс ва диплом ишлари керагидан ортиқ – тикилиб ётибди. Талаба ўзи танлаган мавзуну юкляб олади, сал-пал ўзгартиради (ҳафсаласи бўлса) ва қарабсизки, ишлар “беш”. Шу зайл курс ва диплом ишларини “ёқлаган” талаба кейинчалик шу тариқа осонгина олим бўлишига ажабланишнинг ҳолати йўқ.

Уламолар илм ўрганишни игна билан қудуқ қазихна тенглашади. Энди илмда янгилик яратишнинг тасаввур қилаверин!

Яна бир мулоҳазали фикр. Муқаддам “фан номзоди” деб юритиладиган илмнинг илк босқичига бугун “фалон фан бўйича фалсафа доктори” деган қилишди деган саволимиз қандай мантиқ бор? Балки, бу янгилик бошқа давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб истеъмолга киргандир, аммо... фалсафа докторлари ёлғирдан кейинги қўзқориндек кўпайиб кетган даврда ҳар бир илмий ишнинг қиймати, даражаси, жамиятга, давлатга ва иқтисодимизга фойдаси қандай?

Мустақиллик даврида илмий даражалар беришнинг марказлашган тизими ташкил қилинди. Бу эса собиқ совет даврида амалиётда бўлган тизим – ҳар бир ёқланган илмий ишнинг Москвадаги махсус орган томонидан тасдиқланишидек амалиётга чек қўйди. Ўша даврларда ҳимоя қилинган иш тасдиқланишини йиллаб қуттишга тўғри келарди. Мустақиллик ўлароқ илмнинг бу ричағи ўз қўлимизга ўтди – ОАК (Олий аттестация комиссияси) тузилди. Бу яхши. Аммо юқоридаги мулоҳазаларимиздан келиб чиққан ҳолда сўрамоқчи бўлганимиз – ОАК ҳар бир ёқланган илмий иш қай даражада назоратдан ўтказмоқда? Ҳозиргача қўчирилган ёки бирорта қиймати йўқ илмий иш бекор қилинганми? Қилишини мумкинми?

Ушбу мулоҳаза ва саволлар ҳавода муаллақ қолиб кетмас деб умид қиламиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



“Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қариллик чоғи харж қилғил ани.

Алишер НАВОЙЙ



ЖАҲОН АЙВОНИДА

БАЙДЕН ТРАМПНИ ҚАТТИҚ ТАНҚИД ҚИЛДИ

АҚШнинг собиқ президенти Жо Байден давлат раҳбари лавозимини тарқ этганидан бери биринчи марта Дональд Трамп маъмуриятининг ҳаракатларини танқид қилди, деб ёзмоқда “Washington Post” ва CNN.

“Бу маъмурият 100 кундан камроқ вақт ичида шунча зарар ва вайронагарчиликка йўл қўйди. Бу нарса шунчалик тез содир бўлиши мумкинлиги ҳайратланарли”, — деди Байден Чикагода ногиронлар ҳуқуқларига бағишланган конференцияда.

Байден, шунингдек, ҳукуматнинг ижтимоий таъминот соҳасидаги сиёсатини ҳам танқид қилди. Унинг сўзларига кўра, расмийлар Ижтимоий таъминот агентлигини оммавий ишдан бўшатиш орқали унга “ҳалокатли зарба берган”.



ПАРИЖДА ҲАВО ИФЛОСЛАНИШИ КАМАЙДИ

Сўнгги 20 йил ичида Париж автомобиллар ҳаракатини чеклаш, яшил ҳудудлар ва велосипед йўлакларини учун жойлар ажратишни ўз ичига олган экологик сиёсат туфайли ҳавонинг ифлосланишини сезиларли даражада камайтирди.



Франция пойтахтидаги ҳаво сифати мониторинги билан шуғullanувчи “Airparif” мустақил ташкилоти маълумотларига кўра, Парижда қаттиқ зарарчалар (PM 2.5) даражаси 2005 йилдан бери 55 фоизга, азот диоксида даражаси эса 50 фоизга камайган.

ХИЁНАТ УЧУН СУДЛАНГАНЛАР СОНИ ОРТДИ

Россияда 2024 йилда 145 киши давлатга хиёнат бўйича судланган. Бу ҳақда Суд департаменти маълумотларига таяниб, “Важные истории” хабар берди.

Қайд этилишича, бу 2023 йилги кўрсаткичлардан тўрт баробарга кўп ва Россия тарихидаги барча кўрсаткичлардан юқори.

РФда ўтган йили давлатга хиёнат ва жосуслик учун қарийб 170 киши судланган. Шунингдек, махфий равишда чет эл давлатлари билан ҳамкорлик қилишда айбланганлар сони 10 бараварга ошган.



ДУНЁНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ 100 КИШИСИ

АҚШнинг “Time” журнали томонидан ҳар йили тузиладиган дунёдаги энг нуфузли 100 киши рейтингини эълон қилинди.



Фридрих Мерц, Аргентина президенти Хайвер Милей ва Суриянинг муваққат президенти Аҳмед аш-Шаръа ҳам ўрин олди.

Рўйхат жами олти тоифага ажратилган. “Time” санъат арбоблари тоифасига қўшиқчи Эд Ширан ва актриса Скарлетт Йоханссонни киритган. “Кумирлар” бўлимида актёрлар Деми Мур ва Эдриен Броуди ҳам бор.

Бошланиши 1-саҳифада.

Манбаларда Абу Бакр Жузжоний Имом Мотуридийнинг илк устозларидан эканига урғу берилади. Жузжоний Мовароуннахр, хусусан, Самарқанддаги ханафий мазҳаби фикхий мактаби тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Абу Муин Насафий “Табсират ал-адилла” асарида келтиришича, Абу Бакр Жузжоний машҳур олим Абу Сулаймон Жузжонийдан таълим олади, сўнг Самарқандга келиб, илм ва таълимотни ёйиш билан машғул бўлади. Кейинчалик Самарқандда Абу Муқотил Самарқандий, Абу Бакр Самарқандий каби йирик илоҳиётчи олимлар кенг қамровли фаолият олиб боришади. Жумладан, Абу Муқотил Самарқандий бу ерда машҳур “Китоб ал-олим вал-мутааллим” (“Олим ва шогирд китоби”)ни ёзади.

Олмон олими Ульрих Рудольф “Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” китобида таъкидлашича, Абу Мансур Мотуридий ханафий мазҳаби таълимотини айнан Абу Бакр Жузжонийдан ўрганган. Шу нуктаи назардан ҳам у Имом Мотуридий атрофидаги илмий муҳитнинг шаклланишига сезиларли ҳисса қўшган деб қаралади.

Абу Мансур Мотуридий илмий муҳитининг шаклланишида Абу Наср Иёзий (вафоти 277/890 й.)нинг ҳам хизмати катта. Мовароуннахрнинг кўпгина йирик олимлари Абу Наср Иёзий фаолиятини юқори баҳолашиб, унинг қомусий билимларига алоҳида урғу беришган. Абул Муте Насафий олимни тавсифлаб, “илм соҳасида тубсиз уммонга монанд эди”, деб ёзади. У йигирма ёшида тенгдошларидан билим борасида анчагина илгарилаб кетган бўлиб, ақлу заковати ўткирлиги, сабр-тоқати, ўта синчковлиги билан мунозарага кирувчи ҳар қандай одамни асосли жавоби. Қуръони Каримдан келтирган далиллар билан танг қолдирар эди.

Мотуридий таълимотининг шаклланиши, илмий жиҳатдан бойиши ва кейинги авлодлар томонидан энг ҳаётий низом сифатида қабул қилинишида аллома тарбиялаган олим-шогирдларнинг хизмати бекиёсдир. Абу Мансур Мотуридий ўз илмий муҳитининг ривожини ва унинг бошқа ҳудудларга тарқалишига асарлари орқали ижобий таъсир кўрсатди.

Унинг дастлабки шогирдларидан бири мутакаллим Абу Наср Иёзийнинг фарзанди Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад Иёзий ҳисобланади. Абу Аҳмад илоҳиёт илмларини аввал отасидан, сўнг Абу Мансур Мотуридийдан чуқур ўрганган. Калом илмидаги юксак салоҳияти билан танилиб, олимлар орасида катта шуҳрат қозонган. Абу Ҳафс Бухорийнинг маълумотларига кўра, у ҳақиқатпарварлиги сабабли ханафий мазҳабига ёт фикр ва ҳулосаларнинг кириб келишига йўл қўймаган. Шу тариқа мазҳаб софлигини сақлашга чин дилдан хизмат қилган. Ҳаким Самарқандий олимни таърифлаб, “Хуросон ҳамда Мовароуннахрдаги энг етук олимлардан эди”, деб ёзади. Абу Аҳмад мўътазиллийлар билан кескин баҳслар олиб борган ва унинг бу борадаги фикрлари устози Абу Мансур Мотуридий қарашлари билан ҳамоҳанг эди. Абу Аҳмаднинг ҳаёти, илмий мероси ҳақида Абу Муин Насафийнинг “Табсират ал-адилла” китобида муҳим маълумотлар келтирилади.

Абу Аҳмад Абу Мансур Мотуридий таълимотининг кейинги асрлардаги ривожига улкан ҳисса қўшган. Айниқса, Абу Аҳмаднинг шогирди Абу Салом Муҳаммад ибн Муҳаммад Самарқандийнинг мазкур таълимот ривожланиши ва тарқалишида катта улуши бор. Тахминан X асрда яшаб ижод этган бу олимнинг “Жумал усул ад-дин” (“Дин асослари мажмуи”) асари мотуридийлик анъаналари давом эттирилган, давримизга қадар етиб келган энг дастлабки илмий манбалардан бири ҳисобланади. Мазкур асар кўлэзма-

си Истанбулдаги Сулаймония кўлэзмалар хазинасида сақланади. Кўлэзма матни 1989 йили Истанбулда нашр этилган. Ульрих Рудольфнинг ёзишича, асар Имом Мотуридийдан сўнг Самарқандда битилган анъанавий илоҳиётга оид асарлар услубидан фарқ қилса-да, Мотуридий ғояларига тўлиқ мос келади.

Мотуридийлик илмий муҳитининг ривожига Абул Ҳасан Али ибн Саид Рустуфғаний (вафоти 350/961 й.) ҳам катта ҳисса қўшди. Олим Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлиб, у Самарқанд яқинидаги машҳур Рустуфған қишлоғида дунёга келган. У Имом Мотуридийнинг энг кўз-

Кутлубўғонинг “Тож ат-тарожим”, Муҳаммад Абдулҳайнинг “Ал-Фавоийд ал-баҳийя” асарларида юксак эътироф этилади. Абул Ҳасан ўрта аср олимларига эргашган ҳолда уларнинг ижодида хос қомусий асар ёзиш йўлидан бориб, илмлар таснифига бағишланган “Китоб аз-завоийд вал-фавоийд” (“Қўшимчалар ва фойдалар китоби”) асарини битади. Ушбу силсилага Абу Зайд Балхийнинг “Ақсом ал-улум” (“Илмларнинг қисмлари”), Ибн Фаруғнинг “Жавоме ал-улум” (“Илмларнинг жамловчилари”), Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмларнинг қалитлари”) асарларини ҳам киритиш мумкин.



га кўринган, илмий баҳсларда мустақил, эркин фикрлари билан фаол иштирок этадиган шогирдларидан бири эди. Олимнинг нисбаси турли манбаларда Рустуфғоний, Рустуфғоний қўринишида ҳам учрайди. Ибн Абул Вафонинг “Ал-Жавоҳир ал-музийя” асарида қайд этилишича, Абул Ҳасан “фиқҳ бўйича ҳам билимдон олимлардан” бўлган. Манбалар фикҳ, илоҳиёт илмларини мукаммал эгаллаган Абул Ҳасан Рустуфғонийнинг тўрт асар ёзгани ҳақида хабар беради. Биринчиси, олимнинг фатволар йиғиндиси ҳисобланган “Фатовои Рустуфғоний” асари. Олимнинг турли қомусий луғатларда номи келтирилган иккинчи асари “Китоб ал-хилоф” (“Мунозаралар китоби”) эса ҳозирга қадар топилмаган. Калом илмига бағишланган энг асосий ҳамда муҳим асари “Китоб иршод ал-муҳтадий” (“Тўғри йўлдан юрувчига йўлланма”) деб номланади. Ушбу асар Ибн

Бундай асарнинг ханафий мазҳабидаги олим, Имом Мотуридий шогирди томонидан ёзилиши унинг ҳар томонлама етуқлигидан далолат беради. Бу эса X асрда Имом Мотуридий таълимотининг кенг ёйилиши, шунингдек, ханафий мазҳабининг Мовароуннахрдаги ривожига улкан ҳисса қўшади.

Имом Мотуридий ҳаёти, илмий мероси ҳамда мотуридийлик таълимоти шаклланишига ҳисса қўшган устоз ва шогирдлар ҳақидаги манбаларни излаш, уларни таржима қилиб, илмий муомалага киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Президентимизнинг мазкур йўналишда қабул қилган қарори эса бу жараёни тизимли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ИЛМ ЙЎЛИ

XX асрнинг бошлари ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий муҳити ўзгача кечган даврлардан ва ҳозирги кундаги ҳолатдан жиддий фарқ қилади. Дунё ўзининг бир қатор илмий ва ижтимоий соҳадаги ютуқлари билан модерн замонга қадам ташлаган кунлардан то орадан юз йил ўтиб жадидлик ҳаракати ғоялари энди демократик бир муҳитга кўчди. Истиқлол даври эркинликларини туфайли барча туркий халқларнинг яқинлашуви аспектида маданий ва ҳамкорлик алоқаларида мазкур ғояларнинг амалий ифодасини кузатиш мумкин. Бу жараёнда ўзбек, озарбайжон, турк, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва бошқа халқларнинг фаоллиги туфайли интеграциялашув жараёни бирмунча тезлашди.

Айниқса, адабиёт ҳар доимгидек етакчилик ролини зиммасига олгани, “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилддан иборат адабиётлар нашри ўзбек тилида чоп этилаётгани бошқа туркий халқлар ҳаётида ҳам муҳим ҳодиса сифатида эътироф этилаётир.



Профессор Бадирхон АҲМАДЛИ

Озарбайжон маорифчилари Мирзо Фатали Охундзода, Ҳ.Зардобий, А.Хусайнзода, А.Оғаўгли, ўзбек жадидлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, турк янги адабиёти намояндalари М.Юрдакул, Ю.Оққўра, Зиё Кўкалп ва бошқаларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида умумтурк жадидлик ҳаракати дунёдаги тараққийпарвар куч ўлароқ танилди.

Бугун ҳам ушбу ҳаракат Уйғониш адабиётининг тамал тошини қўйган ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Мана шу ҳамкорлик ришталарини боғлаб турган сиймолар туфайли умумтурк адабиёти жаҳон адабиётининг муҳим бир узвига айланди. Шундай олимлардан бири Озарбайжон Миллий

ТУРКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН

илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти Озарбайжон-Осиё адабий алоқалари бўлими мудири, филология фанлари доктори Бадирхон Аҳмадлидир.

Олимнинг дастлабки иши “Собит Раҳмон сатираси” деб номланиб, унда сатира назарияси ишланган эди. Совет даврида сатирани фақат ўтмиш адабиётига нисбатан қўлланилиши, замонавий адабиёт эса енгил юмор билан қиёсаларни шарт бўлган даврда қаҳрамонимиз нафақат Собит Раҳмон сатираси, балки озарбайжон сатирасининг тараққиёт йўллари ҳақида “Озарбайжон сатирасининг инкишофи муаммолари (1920–1980)” диссертациясини ёқлади. Унинг ҳар икки тадқиқот иши ҳам монография тарзида чоп этилди. Олим “Ватан овози”, “Озарбайжон ўрдуси” газеталарида фаолият кўрсатган даврда ҳам илмий фаолиятдан узоқлашмади. Боку Славян ва Ҳазар университетларида маърузалар ўқиди. Низомий номидаги Адабиёт институтида ҳозирга қадар бўлим мудири ва профессор ўлароқ фаолият кўрсатмоқда. “Бир Истиқлол йўлчиси” монографиясида 1938 йили ноҳақ қатл этилган адабиёт тарихчиси Амин Обидийнинг мураккаб фаолиятини ёритди. Олим адабиёт тарихи билан бирга фольклоршунос, охундзодашунос бўлганини илмий манбалар асосида исботлади. Унинг “Ўлтэкин” таҳаллусида ёзилган антибольшевик руҳидаги асарларини таҳлил этиш билан бирга шоирнинг “Танланган асарлар”

(2007), “Озарбайжон туркларининг адабий тарихи” (2016), “Озарий адабиёти тарихи” (2021) асарларини нашрга тайёрлаб чоп эттирди.

Профессор Бадирхон Аҳмадлининг “XX аср озарбайжон адабиёти: тенденциялар ва муаммолар” монографияси (2015) миллий адабиётнинг барча жиҳатларини қамраб олгани билан характерланади. Тадқиқотда муаллиф давр адабиётининг асосий йўналишлари, жанрлар таркибини ва ижодкорлар услуби, қолаверса бу адабиёт деярли барча адабий турларда собиқ иттифоқ таркибидаги адабиётларнинг ҳеч биридан қолшима, балки туркий халқлар адабиёти учун намуна бўларлик жиҳатларга эга эканлигини кўрсатиб берган. Тадқиқотда реализм, маърифий реализм, танқидий реализм, соцреализм каби “изм”лар бағрида озар адабиёти тараққий этгани адабий сиймолар контекстида таҳлил этилган. Бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ муаллиф Жумҳурият даври адабиётини илк дафъа таҳлилга тортиб, адабий жараён масалалари, маданий муҳит, наср, шеъринг ва драматургик асарлар каби йўналишларда янги озарбайжон адабиётига асос бўлганини кўрсатди.

Муаллиф тиклаган монографияда юз йиллик адабий ҳаёт, тенденция ва муаммолар таснифотида янги илмий қараш билан ёндашилган. Бундай янги назарий қараш XX аср адабиётини даврлаштиришда кўзга ташланади. XIX аср охири XX аср

бошларига нисбатан “миллий ҳаракат даври” сифатида ёндашилгани, унинг назарий асослари ва адабий фактларини шу жиҳатдан таҳлилга тортгани бу фикрни асослайди. “Молла Насрэддин” журнали ва унинг адабий ҳаракати”, “Озарбайжон сатирик матбуоти ва миллий ўзига хослик муаммолари”, “Фуйузот” ва фуйузотчилик концепцияси”, “Пролетар матбуотида ижтимоий фикр шаклланиши муаммолари” каби бўлимлар сарлавҳаларининг ўзиёқ тадқиқот илмий қўламини кўрсатиб турибди. “Озарбайжон адабиётда романтизм босқичи ва унинг адабий-эстетик тамойиллари”, “Тарқидий реализм босқичи: генезиси ва таъриқий таъмиллари”, “Маърифатчилик ҳаракати ва маорифчи реалистик адабиёт”, “Жумҳурият адабиёти: миллий истиқлол ғояларининг ташаккули” каби масалалар таҳлили бу давр адабиётининг бойлигини кўрсатади. Шунингдек, монографияда миллий адабиётнинг шаклланишидан тортиб унинг етук таъсирантирувчи адабиёт даражасига эришувига қадар босиб ўтган мураккаб адабий йўл чизиб берилган.

Профессор Бадирхон Аҳмадли илмий фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири “Озарбайжон муҳожирот адабиёти: шаклланиши, муаммолари ва шахсиятлари” (2017) масаласига ўрин берилгандир. Бу монографияда ҳам изчил назарий фикрлар воситасида таъкидланиб, илк дафъа легион адабиёти муҳожирлик адабиётининг бир қаноти сифатида кўрсатилган.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

1917–1922 йилларда Туркиянинг Истанбул университетида ўқиб қайтган муаллим Шохид Эсон Мусаев шундай ёзади: “Энг иссиқ, қизгин ва кумли бир чўлда тирикчилик қиладир-ғон кишига сув, салқин ҳаво қанча керакли бўлса, бу кунги миллатлар орасида яшайтур-ғон қавмлар учун мактаб ва маориф ҳам шунчалик керакдир... Бир замонлар башариятнинг йўлбошчиси ва раҳбари эдик. Бутун дунё бизнинг ёққан машъалаларимиздан ёруғлиқ олар эди. Бу кун эса башариятнинг фалаж бўлиб қолган бир қўлимиз...”

Эсон афандининг “Биз ва маориф” мақоласидан ушбу иқроорлар бир томондан мамлакат тараққиётида маориф масаласининг нақадар муҳим эканлигини кўрсатса, бошқа томондан “фалаж бўлиб қолган қўл”дан жамиятга етиши мумкин бўлган зиён-заҳматни-да англатади.

Жадид боболаримиз миллатни уйғотиш, жамиятни мавжуд фалажликдан олиб чиқиш учун бор диққати, умиди, мақсадини таълимга қаратгани, бу йўлда керак бўлса ўз ҳисобидан мактаблар очиб, дарсликлар ёзиб, халқни илму маърифатга ундагани бежиз эмас. Наманганда жадидлик ҳаракати сардорларидан бири, муаллим Асрор Зайниддинов замонасининг ана шундай ёниқ қалб эгаси бўлган...

Асрор Зайниддинов 1885 йили Наманган шаҳри Чукүркүча маҳалласида тўқувчи-хунарманд оиласида туғилган. Болалиқдан илмга чанқоқ Асрор эски мактабда таҳсил кўриб, 17–22 ёшларида мадрасада дарс берган. Унинг дунёвий илмларни эгаллашга ҳам иштиёқи баланд эдики, мамлакат келажаги айнан шу соҳада қўлга киритиладиган ютуқлар билан белгиланишини жуда яхши тушунарди. Жадидлар таълимга эҳтиёж борасида макбуотда тўхтовсиз чиқишлар қилар, гарчи бу ўз бошларини кундага тутиб бериш билан баробар бўлса-да, уларнинг ҳар сўзи моҳиятан маърифатга бориб тақаларди. Бундайин жасорат, энг аввало муаллимларга руҳ бағишлар, улар шу тариқа Бехбудий айтмоқчи “дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозим”лиги, “замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлиши”ни бошқаларга қараганда тезроқ, теранроқ англарди.

Турган гапки, совет режими бошқа миллатларнинг илмли,

маърифатли бўлишини истамас, халқнинг қалб кўзини очувчи зиё аҳлини хушламас эди. Қаҳраонимиз ҳам ўшандай “хушланмас” шахслардан бири бўлиб, биринчилар қаторида қирғинга дучор бўлади. Бу ҳақда кейинроқ...

Асрор Зайниддинов 1910 йилдан Қўқондаги жадид мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаш асносида мадрасада таниқли маърифатпарвар, йирик тилшунос, адабиётшунос олим, Туркистондаги жадидлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Ашурали Зоҳирийдан таҳсил олади.



Ашурали Зоҳирий (1885–1937)

Биламизки, Ашурали Зоҳирий Қўқондаги биринчи дорилмуаллимини ташкилотчиси ва дастлабки замонавий мактабларнинг муаллими сифатида Фарғона водийси учун қўплаг ўқитувчиларни етиштириб берган. У асос солган дорилмуаллимин кейинчалик педагогик техникумга айлантирилиб, 1930 йили техникум базасида Фарғона давлат педагогика институти ташкил этилган.

Асрор Зайниддинов фаолиятида ҳам устод Ашурали Зоҳирий сабоқлари улкан мактаб вазифасини ўтаб, унинг йўли жадидлар ҳаракати билан росмана туташмишга туртки бўлган. Қаҳраонимизни 1919 йилдан бошлаб жадид ҳаракатининг атоқли вакиллари билан бир сафда “Иттиҳод ва тараққий” ташкилотига кўрамаиз. Ушбу ташкилотнинг Намангандаги раиси таниқли жадид Зайниддин қори Насриддинов бўлиб, Асрор Зайниддинов эса унинг котиби лавозимида фаолият юритади.

Наманганда Асрор Зайниддинов дастлаб ўқитувчи, сўнгра мактаб мудири (1921), Вақф бўлими мудири (1925), Ўезд ижроия комитети масъул котиби (1926 йилгача), кейинчалик “Вақф” бўлими масъул котиби, Наманган уезд халқ таълими бўлими мудири (1928 йилгача) лавозимларида ишлаган. Ўз фаолияти давомида Намангандаги вақф ишлари, вақфга қарашли мактаб ва бошқа муассасаларни тартибга солиш, тарихий-меъморий обидаларни рўйхатга олиш ва таъмирлаш ишларига бевосита бош-қош бўлган.

Маърифатпарвар Саид Аҳрорий таъбирича, “*Бир элнинг тараққийси, маданиялашмаги, бахтиёрлиги у элни ташкил этган шахсларнинг билимли, кучли, ғайратли ва ишсевар бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун кўпчиликнинг камоли шахсларнинг камолига боғлиқдир*”.

Айни ҳақиқатни бошқалардан кўра эртароқ тушунган, англаган, ҳис қилган қаҳраонимиз эл бахтиёрлиги учун курашда асло чекинмади. У ўзида бор илму салоҳият, куч-ғайратни маданият ва маориф ривожига қаратар экан, бу борада дунёнинг кун сайин тараққийлашиб борар давлатларидан ортда қолмоқлиқни ўзига ўлим билан тенг кўрди. Элини ҳўрликда эмас, ҳўрликда кўрмоқ учун курашди: на бўхтон, на таъқиб тазийқлар йўлдан қайтаролди. Билъакс, 1927 йилга келиб наманганлик тараққийпарвар жадидлар тузган “Миллий кўмита” яширин ташкилотига киргач, шу пайтга довор ўйлаган ниюту азма маҳкамланди. Чунки ушбу ташкилот Ўзбекистонда совет ҳокимияти томонидан олиб борилаётган ер-сув ислохоти, қўлоқлаштиришга қарши чиқиб, совет ҳукуматида Ўзбекистон мустақиллигини талаб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

1920 йиллар охирларида совет ҳокимияти томонидан жадидлик ҳаракати фаолларини жамият орасида обрўсизлантириш, уларнинг шаъну қадр-қимматини оёқости қилиш, бу орқали уларни ижтимоий фаолиятдан четлатиш, ҳукумат идораларидан бўшатиш, партия сафидан ўчириш ҳаракати авж олди. Бу пайтга келиб эл ичра ўзига яраша обрў қозониб улгурган, Наманган вақф бўлими раҳбари лавозимида ишлаб келаётган Асрор Зайниддиновни

гўёки “фош қилиш”га бағишланган “Тилга келган варақлар” мақоласи босилиб чиқади. Унда устма-уст қалаштириб ташланган бўхтонлар, бир талай уйдирмалар “асос” бўлиб, жадид Асрор Зайнидди-



“Хужум” ҳаракати

нов ҳамда Намангандаги “Вақф” идораси ходимлари устидан “текширув” ўтказилади. Натижаси маълум: улар эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади. Советлар нишонига тушиб қолган Асрор Зайниддиновнинг бундан кейинги ҳаёти ҳаловатга бегона бўлиб, туну кун таҳлика остида кечди.

XX асрнинг 20–30 йиллари. Ўрта Осиё минтақаси аёллари тақдирида туб бурилиш ясаган давр. Хотин-қизларнинг турмуш тарзи, ижтимоий фаолиги, жамиятдаги ўрни, ижтимоий ҳулқ-атвори ўзгара борди. Гап “Хужум” ҳақида. Советлар томонидан гўёки “аёлларни озод қилиш” шиори остида амалга оширилган ушбу ҳаракат жамиятда, одамлар орасида турли низолар келтириб чиқариб, норозилик кайфиятини кучайтириб юбораётганди. Вазият кун сайин таранглашиб борар экан, қаҳраонимиз бу борада ҳаракатни амалга ошириш усулларини кескин танқид қилиб чиқди. Бу эса советларга хуш келмаслиги аниқ эди. Ҳолбуки, у мазкур жараёни бирданига эмас, аста-секин, тушунтириш йўли билан амалга ошириш кераклигини, авваламга аёл-қизларга таълим бериш, шундан сўнггина уларни ижтимоий ҳаётга қўшиш лозимлигини ёқлаб чиққанди. Бироқ бу баёнотлар совет ҳокимияти сиёсатига қарши чиқиш сифатида баҳоланиб, Асрор Зайниддинов 1928 йили “аёлини ижтимоий ишларга жалб

қилишдан бош тортганлик”да айбланади ва уч ой муддатга партия аъзолигидан четлатилади.

Бу маҳал совет ҳокимияти томонидан муҳолиф ташкилотларга аъзо бўлган жадидларга нисбатан

қатағон жараёни кучая бошлаганди. 1929 йили “Миллий кўмита” ташкилоти раиси Зайниддин қори баробарида ташкилотнинг барча аъзолари ҳибсга олинади. Улар қаторида Асрор Зайниддинов ҳам ОГПУ ходимлари томонидан турмуш ўртоғи ва ҳали эсини энди таний бошлаган фарзанди қўз ўнгида кишанбанд қилинади.


Асрор Зайниддинов ОГПУ махсус коллегиясининг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 2-, 4-, 10-бандлари билан айбланиб, 10 йил муддатга концлагерда қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Қаҳраонимизнинг бундан кейинги тақдири номаълум.

...Тўғри, халқни ёруғликка ундаган миллат етакчилари номига “миллатчи” тамғаси урилиб, ойдин юзлар қораланди. Бироқ онгу шууриимиздан жой олган жадидларни маърифат йўлида курашдан на қамоқ, на қатл қайтара олди. Зеро, улар номини тарихга боқий муҳрлаган мангулик сири ҳам айнан мана шунда – жонфидоликда!

Қаҳраонимиз наинки муаллимликдаги мураккаб қисмати, балки ҳар қандай ҳолда ҳам эзгу амалига вафо-садоқати билан биз ўқувчиларга сўнгги сабоғини, мангулик дарсини ўтиб кетди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН
ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Саид Вали Саид Аҳмедов – 1885 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Деҳқончилик билан шуғулланган. Инқилобгача Тошкент шаҳрида тегиримон идорасида котиблик қилган. 1930 йили 1 октябрда ҳибсга олинган. Орадан 10 ой ўтиб, 1931 йил 2 июлда тергов қилинган. Саид Вали Саид Аҳмедов Мунаввар қори Абдурашидхонов, Садриддин Хон билан бирга “Миллий иттиҳод” ташкилотининг марказий комитети аъзоси бўлган. У 1923 йили “10”лар ва “Миллий иттиҳод” аъзоси сифатида ташкилот ишини фаоллаштириш мақсадида маблаг топан. Хорижий давлатлар вакиллари билан алоқада бўлган. “10”лар учрашуви айна унинг уйида бўлиб ўтган.

Аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлгани, ўз олдига совет ҳокимиятини ағдаришга интилгани, Туркистонда буржуа давлатини барпо этиш учун кураш олиб боргани учун айбланган. ОГПУнинг 1931 йил 3 ноябрдаги махсус кенгашида Саид Вали Саид Аҳмедов уч йил муддатга Фарбий Сибирга сургун қилинган. Жазо муддати 1930 йил 3 ноябрдан ҳисобланган. Қаҳраонимиз 1989 йил 20 ноябрда реабилитация қилинган.

Комилбек Норбеков – 1885 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Эски мактабда ўқиган. Кейинчалик ўз ҳисобидан жадид мактабини очган. Инқилобгача “Жамияти хайрия”нинг фаол аъзоси эди. 1918 йилгача савдо билан машғул бўлган. 1921 йилдан 1930 йил мартгача Республика халқ маорифи комиссарлиги китоб дўқонида мудирлик қилган.

Комилбек Норбеков Совет ҳокимиятини ағдариш ва “Миллий иттиҳод” акселинқилобий ташкилотининг фаолиятида иштирок этганликда айбланиб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 67-моддаси билан жавобгарликка тортилган.

У уч йил муддатга Фарбий Сибирга сургун қилинган. Қамоқ жазосини Новосибирскда ўтаган. 1933 йили укаси Каримбек Норбеков билан биргаликда сургундан қочган ва Фарбий Хитойга муҳожир бўлиб қочиб кетган. У ердан 1935 йил бошларида яширин тарзда қайтиб келган. 1935 йил 9 июнда 2 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Шартли равишда шошилинч қамодан озод қилинган.

Совет маъмурулари қаҳраонимизни доимий хавф сифатида кўришган. Шу боис, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “Училиги”нинг 1938 йил 22 сентябрдаги қарори билан Комилбек Норбеков яна 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати ўша кундан ҳисобланган. Кейинчалик 1990 йил 19 февралда у реабилитация қилинган.

Каримбек Норбеков – 1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Эски усулдаги мактабда ўқиган. Инқилобга қадар савдогарлик қилган. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин “Уламо жамияти”, “Шўрон ислом” аъзоси, 1917 йил октябрдан мадания-маърифий соҳа бўйича идорада хизматчи, 1918 йилдан “Миллий иттиҳод” ташкилотининг фаол аъзоси бўлган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “Училиги”нинг 1938 йил 22 сентябрдаги қарори билан Каримбек Норбеков 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати ўша кундан ҳисобланган. 1990 йили 19 февралда реабилитация қилинган.

Боймирза Алиев – 1907 йили Қирғизистоннинг Мелки қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1928 йилдан партия аъзоси бўлган. Пастдаргом туман партия кўмитасининг 3-котиби вазифасида ишлаган.

1938 йил 9 январда миллатчи, акселинқилобий ташкилотга мансублиги сабабли партиядан чиқарилган. Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари томонидан ҳибсга олинган. 1938 йил 11 январда тергов қилинган. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 58-, 64- ва 67-моддалари бўйича айбланиб, отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 15 сентябрда бажарилади. Қаҳраонимиз1974 йил 29 ноябрда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АҚБАРОВА,
тадқиқотчи
(Давоми келгуси сонда).

ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИ ТАМСИЛЧИСИ

Қурбон Саиднинг “Али ва Нино” романининг тадқиқ этилиши ва унга миллий адабиёт тарихидан ўрин берилиши тадқиқотнинг илмий янгилигини очиқ англатиб турибди.

Маълумки, XX аср бошлари миллий адабиётлардаги тараққиёт туркчилик, исломчилик ва модернлашув ўзанларида кечган. Муҳим йўналишлардан бири бўлган туркчилик аср бошларида М.А.Юрдикул, А.Ҳусайнзода А.Оғаўгли, Ю.Оқжўра каби ижодкорларнинг адабий фаолиятида очиқ кўринади. Бу муаммо Бадирхон Аҳмадли илмий фаолиятининг алоҳида қисмини ташкил этади. Олимнинг “Туркчиликнинг назарий ва тарихий аспекти” (2019) монографиясида 150 йилдан ортиқ давр мобайнида туркий миллий адабиётлар ўтган йўл оқишланган. Монографияда бу учлиқнинг муайян тараққиёт йўли, истикомат фаолияти ва давомийлигига эга эканлиги адабий асарлар мисолида кўрсатиб берилган. Миллий адабиётда туркчилик ўрни ва вақти билан Ҳасанбей Зардобий, Исмоилбек Ғаспирли, З.Кўкалп, М.Расулзода ва бошқалар ижодида тараққий этгани илмий ишда аниқ ифодасини топан.

Профессор Бадирхон Аҳмадли Озарбайжон-Осиё адабий алоқалар бўлимининг мудири ўлароқ Низомий номидаги Адабиёт институтида кенг кўламда Осиё халқлари адабиёти тадқиқоти ишларига раҳбарлик қилмоқда. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида ҳам, постсовет замонлари-

дан ҳам Осиё халқлари адабиёти Европа ва Америка адабиёти даражасида тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, замонавий Осиё адабиётини таниш, унинг янгиликларидан баҳраманд бўлиш барча миллий адабиётларни янги ғоя, муаммо ва бадиият билан бойитиши табиий. Япония, Корея, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Индонезия адабиётларидаги янгиликларни тадқиқ этиш орқали миллий адабиётнинг бойиши ва ранг-баранглашувига сабаб бўлаётган омиллар изланиши ва уларнинг озарбайжон адабиёти билан муштарак ришталарини аниқлаш, адабий алоқалар самарадорлигини ўрганиш ушбу бўлим амалга ошираётган изчил фаолиятдан дарак беради. Бу йўналишда профессор Бадирхон Аҳмадли “Рабиндранат Тагор: Янги Ҳиндистон манифести” (2021) монографиясида ҳинд халқининг беназир адаби ижодий фаолиятини таҳлил этибгина қолмай, унинг туркий халқлар адабиётига таъсири хусусида ҳам сўз юритган. Шунингдек, олим тадқиқотларидан афғон адаби Холид Ҳусайний, япон адаби Харуки Мураками, покистонлик Муҳаммад Иқбол, корейлик ижодкор Ким Жиҳа ва бошқа осиелик ёзувчилар ижодий фаолияти ҳам муҳим ўрин олган. Осиё халқлари адабиётига бағишланган икки халқро конференция ташкил этиб, унинг материалларини “Осиё адабиёти тадқиқотлари” (2024) номли китоб ҳолида нашр эттиргани бу борадаги изланишларнинг амалий самарасидир.

Профессор Бадирхон Аҳмадли умрининг 25 йилдан ортиқ даврини муаллимликка бағишлаб, Боку Славян университети, Ҳазар университети ва бошқа илм даргоҳларида ўқиган маърузалари асосида уч жилдлик “XX аср Озарбайжон адабиёти” дарслик-монографиясини эълон қилди. Бу фундаментал тадқиқотда XX аср адабиётининг инкишоф йўли, адабий ҳодисалари ва шахсиятлар янги назарий призмалардан ўтказилган. Шунингдек, у ушбу йўналишда дастур ва қўлланмалар яратиб, янги озарбайжон адабиётининг жорийланишига муҳим ҳисса қўшди. Ўзбекистонда ўтказилган илмий анжуманлар: Ўзбекистон Миллий университетида, Фарғона ва Навоий давлат университетларида, шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан 2023, 2024 йилларда ташкил этилган Ўзбекистон жадидлик ҳаракатига бағишланган симпозиумларда ҳамда ўнлаб халқаро илмий анжуманларда умумтурк адабиётини жадидлик – янгилаш тўлқинлари ҳақида илмий маърузалар қилган.

Эълон қилган мақолалари орқали озарбайжон янги адабиётининг хусусиятларини тарғиб этган бўлса, озар матбуотида “Ўзбекистонда замонавий жадидлик илмий ҳаракати” (“Әдәбиёт қәзети”, 2024 йил 15 май), “Ўзбек адабиётшунослигининг патриархи” (“525-qazet”, 2024 йил 7 июнь) мақолалари орқали ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг Озарбайжон-

да танилишига ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, олимнинг “Сирожддин Саййид поэтик дунёси” мақоласи ўзбек шоирининг туркий дунёда эътибор топишида муайян ҳисса бўлди. Профессор Бадирхон Аҳмадлининг ўзбек адабиёти ва маънавиятини тарғиб ва тадқиқ этишдаги хизмати юксак баҳоланиб, Ўзбекистонда “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Профессор Бадирхон Аҳмадлининг Марказий Осиё халқлари, жумладан, қозоқ, қирғиз, туркман адабиётига доир ўнлаб мақолалари борки, улар асосида олимнинг илмий диапозони кенглиги, туркий халқлар адабиёти равақиға самарали таъсир кўрсатаётганини пайқаш мумкин. Шу маънода, Бадирхон Аҳмадли нафақат ўзбек адабиётининг, балки барча туркий халқлар адабиётининг ҳам дўстидир. Туркистон ва Озарбайжон янги адабиётининг тамсилчиси бўлган профессор Бадирхон Аҳмадлинни таваллудининг 70 йиллиги билан бутун ўзбек олимлари номидан самимий табриқлаймиз.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Яшар ҚОСИМБЕЙЛИ,
филология фанлари доктори,
профессор



СУД ЗАЛИДАН

“ХОЖАТБАРОР”

Фирибгарлик, товламачилик жинояти жой ҳам, вақт ҳам танламас экан. Сабаби, бу йўлни тутганларнинг нафси йўлдами-чўлдами ҳакалак отиб кетаверар, унинг йўриғига тушган кимсалар ҳаром бўлса-да, осонгина даромадга эга бўлишга интилавэрар экан. Энг ёмони, улар ўзларининг бундай чиркин мақсадига эришиш учун ҳатто оғир беморларни зор қақшатишдан ҳам тап тортмайди...

Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар су-
дида ана шундай нусхаларнинг қилмишлари
фош этилди. Суд залида ўтирганлардан ким-
дир фарзанди оғир хасталикка чалинган она-
нинг фирибгарлар тузоғига тушганига ачинган
бўлса, яна кимдир ҳайратдан ёқасини ушла-
ди. Қаллоблар бир-бирига бегона эмас: ака-
ука Баҳодир ва Баҳром, уларнинг тумандоши
Дилшод...

Баҳром телеграм ижтимоий тармоғидаги
“Эҳсон” каналига уланди-ю, фикри ўзгарди-
қолди. Бу каналда асосан ёрдамга муҳтожлар
(ўзини муҳтож кўрсатувчилар ҳам) ҳожатба-
рорлардан маълум миқдорда моддий ёрдам
сўрашар ва мабодо кимдир саховат қилмоқчи
бўлса, пул кўчириши учун пластик карта ра-
қамларини эълон қилишар эди.

“Қизим оғир дардга чалинган, хорижий кли-
никада жароҳлик амалиёти ўтказишимизга
ёрдам беринг! Акс ҳолда, 20 ёшли дилбан-
димдан айрилиб қоламан”. Илтимосноманинг
остиға пластик карта ва уяли алоқа рақамлари
қолдирилган. Роксана исмли аёлнинг ушбу ил-
тимоси Баҳромни сергак торттирди. У хаёли-
га келган шум фикрини амалга ошириш учун
дарҳол аёлга хабар юборди:

— Опажон, дилбандингиз операцияси учун
қанча маблағ етишмаяпти, қўлимдан келса,
ҳаммасини тўлашга ҳаракат қиламан...

Табиийки, бундай “меҳрибонлик”дан Рокса-
нанинг қувончи ичига сигмади ва дарҳол жа-
воб берди:

— 30 миллион!
— Ҳа, яхши, қолгани тайёрни ахир, айтган
суммангизни тўласам, уни асраб қолишга ул-
гурасизми?
— Албатта, 20 миллион сўм йиғилди, сиз



“

Хар тонг уйқудан туриб фикрла:

Бугун менинг омадим келди — мен уйғондим. Мен ҳаёт-
ман, менда мана бу бебаҳо инсон ҳаёти бор ва мен уни беҳу-
да сарфламайман.

Далай ЛАМА

”

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Хайрли ишни
Ватанимиздан бошлайлик

Ижтимоий тар-
моқларда “Мадина
шаҳрида хурмо
экиб, савоб
олинг” мазмунини
дагиди пул эвазига
бирор бир шахс
номидан кўчат
экиш ваъда қи-
линаётган видео-
лар айланмоқда.
Айрим фуқаро-
ларимиз томони-
дан, пул ўтказил-
гани ва уларнинг
номидан хурмо
кўчатлари эки-
лаётгани ҳам
тасвирланган.



Ислом динида ҳам “Яхшиликни аввал яқинларингга қил”
деган гап бор. Энди савол туғилади, нима учун ўз маблағи-
мизни ўзга юртинг обод бўлиши, бегона одамларнинг ку-
лай шароитда яшашига сарфлашимиз керак?

Дарахт экиш эзгу амал, бунга ҳеч бир эътироз йўқ. Аммо
шу ишни ватанимизда, ота-онамиз, яқинларимиз, қолаверса,
келажақ авлодларимизга нафи тегадиган жойда қилиш
тўғри эмасми?! Энг ёмони, бундай пайтда фирибгарлар ҳам
“отини қамчилайди”. Мадинада дарахт экиш баҳонасида йи-
тилган пуллар фирибгарлар қўлида йўқ бўлиб кетиш эҳти-
моли ҳам катта.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан
“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда.
Ҳар йили юртинг обод қилиш, чўлланишга қарши курашиш
мақсадида 200 миллионлаб кўчат экилмоқда. Аммо фуқаро-
ларимизнинг фаоллиги, жонқуярлиги бўлмас экан, бу мақ-
садга эришиш осон кечмайди.

Бу Ватан ҳаммамизники. Шундай экан, хайрли ва савоб-
ли ишларимизни ўз юртимизда қилайлик. Зеро, эртага бу
ерда сизу бизнинг фарзандларимиз, келажақ авлодларимиз
яшайди.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ
Фейсбук

“МУРУВВАТ” ОРТИДАГИ



каби яхши одамлар кўп экан, укажон...

— Хўп, опажон, мен сизга қисқа муддатда
хабар бераман.

Баҳром жувон берган маълумотлардан
нуса олиб, аввал акаси Баҳодирнинг теле-
грамдаги рақамига юборди. Бу вақтда Баҳодир
Дилшод билан бирга Қашқадарё вилоятидаги
меҳмонхонада суҳбатлашиб ўтирган эди. Ука-
сидан келган “музда”ни ўқиб, унинг мақсади-
ни дарҳол тушунди.

— Сизга маълумотларни юбордим, 20 ми-
лионлик даромаддан бой берманг, ўзгалар
илиб кетмасин, — деди укаси унга кўнғироқ қи-
либ.

Рус тилини яхши биладиган Баҳодир Рокса-
нага шаҳарлараро сўзлашув тармоғи орқали
кўнғироқ қилди:

— Биз сизга ёрдам бермоқчимиз, опера-
цияга керак бўлган ҳамма пулларни ўтказиб
юбораман ҳозир, фақат бунинг учун менга
пластик картангизга уланган клик паролини
ҳам айтишингиз керак, бўлмаса бундай катта
сумма ўтмайди.

Ҳожати раво бўлаётганидан умидвор Рок-
сана “ҳожатбарор”нинг айтганини қилди, сўнг
узундан-узун раҳмат айтди.

— Икки кунда ҳисобингизга пул ўтказаман,
қизингиз тузалиб кетсин, — дея хайрлашди Ба-
ҳодир клик рақамини олган...

Баҳодир ва Дилшод бетоқат тонг оттиргач,
Шаҳрисабз шаҳридаги “Кеш” деҳқон бозори-
даги банкоматга боришди. Улардан олдин бир
отахон келиб, пластигидаги пулни банкоматда
нақдлаштириб, кетишга чоғланган эдики, Ба-
ҳодир:

— Отахон, сиздан бир илтимосим бор, — деб
муружаат қилди.

— Қўлимдан келса бажонидил, болам, — дея
кўринишидан бошқа вилоятлик экани били-
ниб турган йиғитга разм солди отахон.

— Биз мол олгани водийдан келувдик. Пули-
миз камлик қияпти. Керакли пулни таксиди
келишини кутсак, вақт йўқотамиз. Агар бизга
пластик картангизни бериб турсангиз, таниш-
ларимиз ҳозирок пул ташлайди, биз уни нақд-
лаштириб олиб, сизга қайтариб берамиз.

— Майли, бўтам, мусофир экансиз, мана,
олинг.

Устомонлар пул ўтказиш хизмати орқали
бирпасда Роксананинг пластик картасидаги
маблағни қўлларигадаги картага ўтказиб, нақд-
лаштириб олишди. Бўшаган пластик картани
отахонга қайтаришди. Ярим соатда яхшигина
сармояли бўлган икки фирибгар дўпписини
осмонга отанча тезда уйларига — Андижонга
жўнашди. Табиийки, пул уч ҳамтовоқ ўртасида
тенг тақсимланди...

НОХУШ ХАБАРЛАР

Энди гапни Роксанадан эшитинг. У нотаниш
“ҳожатбарор”га шахсий клик паролини айтгач,
кечаси билан кўнғили ғаш тортди. Ҳисобидаги
пулни укасининг пластик карта рақамига кўчи-
риб беришни сўраш учун Ангрен шаҳридаги
тегишли банкка йўл олди. Аммо у молия муас-
сасаси оstonасига етар-етмас, телефонига
кетма-кет хабарлар кела бошлади. Маълумот-
лар унинг ҳисобидаги пуллар ечиб олингани-
дан дарак берарди...

Шундоқ ҳам жигаргўшасининг дардида ку-
йиб адо бўлаёзган онаизор ҳушидан айрили-
шига бир баҳя қолди. Банк ходимлари ўз вақ-
тида унга биринчи ёрдам кўрсатишди. Сўнг
Роксананинг муружаати билан унинг пластик
карточкасидан ечилган пулларнинг рўйхатини
тақдим этишди. Унда аёлганининг маблағлари
қаердан, қай усулда ўзлаштирилгани ҳақида
барча маълумотлар мужассам эди.

Воқеа юзасидан Роксананинг қайнукаси
дарҳол туман ички ишлар бўлимига ариза би-
лан муружаат этди. Тезкор суриштирув ишла-
ри натижасида барча жиноятлар фош бўлди.
Жиноят изларини беркитиш ва ҳуқуқни муҳо-
фаза қилувчи идоралар ходимларини жалғи-
тиш мақсадида Баҳодирнинг ўз уяли алоқа
телефони туриб, шаҳарлараро сўзлашув хиз-
матидан Роксанага кўнғироқ қилгани, ўзиники
бўла туриб, нотаниш инсоннинг пластик кар-
тасига пулни ўтказиб олиб, сўнг уни нақдлаш-
тиргани, ҳамма-ҳаммаси исботини топди.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ
ҚОЛМАЙДИ

Суд судланувчи Дилшод Рустамов ва Баҳ-
ром Зиёдуллаевнинг (Баҳодир Зиёдуллаев
хорижа кетиб қолгани учун унга нисбатан
жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратил-
ган) айби далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ
топган деб ҳисоблади. Дилшод Рустамовга
5 йил муддатга, Баҳром Зиёдуллаевга 3 йил
муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси
тайинланди. Зарарни қоплаш мақсадида тер-
гов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига
топширилган 20 миллион 300 минг сўм пул
жабрланувчига қайтариб берилиши ҳам суд
ҳукмида қайд этилди.

Ҳар доимгидек, тафсилотлардан асосий
мақсадимиз жиноятчиларнинг қиёфасини та-
ништиришгина эмас, юртдошларимизни фи-
рибгарлик қўрбони бўлиб қолишдан огоҳ этиш
ҳамдир. Хуллас, ўзингизга хушёр бўлинг...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист



“кумуш ёмбиси”) қабилида ишлатил-
ган. Айни пайтда, бу сўзнинг пул эмас,
“яхлит, соф” маъноси тилимизда бир-
гина “сўм гўшт” бирикмасида сақланиб
қолган ва бу ибора лўғатда шундай
изоҳланган: “сўм гўшт — суяксиз ва ёг-
сиз юмшоқ эт, лаҳм гўшт”. Кошгарий
бобомиз ҳам “Девону луготит-турк”да
ўғузча “сўм” — “жуда” маъносини би-
диришини айтиди ва ушбу мисолни
келтиради: “сўм сўчўк нэң — жуда чў-
чук нарса, чуп-чучук нарса” (Ушбу ми-
солда “сўм” — “куп-қурук”, “сап-сарик”) ка-
би грамматик шакллардаги кучайти-
риш кўшимчасига ҳам ўхшайди, аммо
Кошгарий “Девон”да уни алоҳида сўз
сифатида келтирган.

Хўш, “сўм” сўзи қачондан бошлаб
пул бирлиги маъносида ишлатила
бошлади?

XIII-XIV асрларда Жўжи Улуси, яъни
Олтин Ўрдада “данг”, “пул”, “сўм” ка-
би пул бирликлари бўлиб, “данг” (кейин-
чалик “танга”, “тенге”, “тийин”) деган-
да — кумуш тангалар, “пул” деганда
эса — мис тангалар тушунилган. “Данг”
ёки “танга” кейинчалик “денъга” шак-
лида рус тилига ҳам ўзлашган, яъни
ҳозирги рус тилидаги “пул” маъноси-
даги “денъги” сўзининг келиб чиқиши
шундай. “Сўм” эса “танга” ёки “пул”га
нисбатан каттароқ қийматга эга бўлиб,
юқорида айтилганидек, “сўм кумуш”,
яъни ғишт шаклида қуйилган кумуш
ёмбига нисбатан “сўм” дейилган.

Танга ва сўмлар Олтин Ўрданинг
Сарой ва бошқа шаҳарларида, шу-
нингдек, Хоразмда ҳам зарб этилган.
“Сўм” ҳақида XIV асрда яшаган ва ўша

даврдagi Марказий Осиё ва Олтин
Ўрда ҳудудларидаги савдо йўллари
борасида ёзиб қолдирган флоренция-
лик тижоратчи ва сиёсатчи Франческо
Пеголотти (1290–1349) маълумотла-
ри диққатга сазовор, у ўзининг “Тижо-
рат тажрибалари” асарига Марказий
Осиё ҳудудларига келувчи оверупалик
тижоратчиларга Оверупадан мато-газ-
ламалар олиб келиб, уларни Урганч
шаҳрида сотиш ва у ердан сўмлар,
яъни кумуш ёки олтин ёмбикларини
ғамлаб олиб татарлар яшайдиган ҳу-
дудларга, яъни Олтин Ўрдага бори-
шни маслаҳат беради.

Шуни ҳам айтиш кераки, Олтин
Ўрда инқироздан кейин рус княз-
ликлари, хусусан Москва давлати-
да русча “гривна” билан бирга “пул”,
“денъга”, “алтин” каби Олтин Ўрдадан
ўзлаштирилган атамалар, пул бирлик-
лари ҳам ишлатилган. Киев Руси дав-
ридан мавжуд бўлган “гривна” ҳам ку-
муш ёмбиси бўлиб, унинг тўртдан бир
қисмига нисбатан “рубль” дейилган.
Русча “рубить”, яъни “чоппоқ” феъ-
лидан ясалган “рубль” — пул бирлиги
сифатида кейинроқ муомалала қилган.
Шу маънода “сўм” атамаси “рубль”дан
қадимийроқдир.

Алқисса, юқорида биз “сўм ҳудуди”
деган иборани тилга олдик, мабодо ке-
лажакда Марказий Осиёда ҳам худди
Оверупа Иттифоқидай сиёсий ёки иқти-
содий иттифоқлар пайдо бўлиб, евро
каби умумий пул бирлигига эҳтиёж ту-
ғилса, бунга соф туркий этимологияга
эга “сўм”дан яхшироқ номзод йўқ.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Jadid

jadid, shay-ma'rifat va ijtimoiy fahrlar gazetasi

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Муҳайё Рустамова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади — 20667

Шундан:

Кирилл ёзувида — 8 050

Лотин ёзувида — 12 617

Медиа қузувучилар — 42 388

Буюртма: Г — 439

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилими:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz